

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА  
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВАУЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент түқимачилик ва ёнгил саноат институти  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази  
директори \_\_\_\_\_ А.Салимов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**«МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ» модулидан**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчилар:

доц. С.Р.Камалова

**Тошкент 2015**

## Мундарижа

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗА МАТНИ.....	8
1-Мавзу: Брошюралаш-муқовалаш ускуналари ҳақида умумий тушунчалар.....	8
2-Мавзу. Бир пичоқли қирқишиш ускунанинг технологик шакли ва ишлаш принципи .....	11
3-Мавзу. Буклаш ускуналари. буклаш ускуналарининг таркибий шакли.....	19
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....	24
1-Мавзу. Буклаш ускуналарининг тузилиш элементлари.....	24
2-Мавзу. Елимлаш ва ўраш автоматлари. Елимлаш ва ўраш автоматларининг ишлатилиши, турлари ва қурилиш принциплари, қўллаш доираси .....	27
3-Мавзу. Йиғиш ускуналари. йиғиш ускуналарининг моҳияти, турлари ва қўллаш доираси.....	33
4-Мавзу. Ип билан тиқувчи ускуналар. Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни.....	40
5-Мавзу. Компьютер - босма қолип (СтП) технологияси ускуналари ва назорат воситалари .....	47
Глоссарий.....	53

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:**

“Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модули бўйича билим, кўникма, малака ва компетенциялар**

Модул бўйича педагог қуйидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларига эга бўлиши керак:

- матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараённинг босқичларини;
- соҳадаги фойдаланилаётган замонавий жиҳозларнинг турларини
- босма қолип сифатини назорат қилиш;
- офсет, чукур, флексографик ва рақамли босиши усусларидан фойдаланиш;
- матбаа ва қадоқлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги замонавий жиҳозларни таҳлил қилиш
- ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш
- замонавий жиҳозларни матбаа ва тўқимачилик кимёси маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш

### **Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар”, “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулининг олий таълимдаги ўрни**

Модул Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш усуслари ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали

таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

Ушбу ўкув модулида тингловчининг ўкув юкламаси 26 соат бўлиб, шундан 6 соат назарий машғулотлар, 10 соат амалий машғулотлар, мустақил таълим 4 соат ҳамда кўчма машғулот 6 соатни ташкил этади.

#### **Қайта тайёрлаш ва малака ошириш машғулотлари бўйича ажратилган**

№	Мавзу	Машғулот тури			
		Назарий	Амалий	Мустақил таълим	Кўчма
1	Брошюралаш-муқовалаш ускуналари ҳақида умумий тушунчалар	2			
2	Бир пичоқли қирқиши ускунаси. Ускунанинг технологик шакли ва ишлаш	2		2	
3	Буклаш ускуналари. Буклаш ускуналарининг таркибий шакли	2			
4	Буклаш ускуналарининг тузилиш элементлари		2		
5	Елимлаш ва ўраш автоматлари. Елимлаш ва ўраш автоматларининг ишлатилиши, турлари ва қурилиш принциплари, қўллаш доираси		2		
6	Йиғиш ускуналари. Йиғиш ускуналарининг моҳияти, Турлари ва қўллаш доираси		2		
7	Ип билан тикиувчи ускуналар. Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни		2		
8	Компьютер – босма қолип (СтП) технологияси ускуналари ва назорат воситалари		2	2	
9	“Ўзбекистон” НМИУ даги замонавий жиҳозлар билан танишиш				6
<b>Жами (26 соат)</b>		<b>6</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Брошюралаш-муқовалаш ускуналари ҳақида умумий тушунчалар. (2 соат)**

Брошюралаш-муқовалаш саноатида ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот турлари. Брошюралар ва уларга ҳажми бўйича мос келувчи журналлар. Китобларнинг тузилиши. Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг синфланиши. Варақларга ишлов бериш ускуналари. Дафтарларга ишлов бериш ускуналари. Тахламга ишлов бериш ускуналари. Муқова тайёрлаш ускуналари. Тайёр маҳсулотни йифиш ва пардозлаш ускуналари. Ёрдамчи ва қўшимча ускуналари. Ипда тикиб маҳкамланган қаттиқ муқовали нашрлар.

### **2-мавзу: Бир пичоқли қирқиши ускунаси. Ускунанинг технологик шакли ва ишлаш (2 соат)**

Бир пичоқли қирқиши ускуналари. Тахламга керакли ўлчам бериш. Тахламни бир неча бўлакка бўлиш. Ишлов бериладиган маҳсулотнинг чегаравий ўлчамлари. Варақларни қирқиши тозалиги ва аниқлигига қўйиладиган талаблар. Пичоқ ўткирлигини тиклаш. Пичоқ чархланиш бурчаги. Замонавий қирқиши ускуналари. Замонавий сиқиши механизмлари. Тахламни қирқиши жараёни

### **3-мавзу: Буклаш ускуналари. Буклаш ускуналарининг таркибий шакли (2 соат)**

Буклаш ускуналарининг таркибий шакли. Варақларни булашнинг. Китобжурнал маҳсулотларини булаш. Босма ускунада сахифаларнинг жойлашиши ва варақни булаш шакли. Буклам ҳосил қилиш принциплари. Буклаш ускуналарининг тузилиш принциплари. Самонакладлар. Яssi стапелли самонакладлар. Айлана стапелли самонакладка

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ**

«Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш усуллари» модулида амалий машғулотлар асосан матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий технологик жиҳозлар, матбба маҳсулотларини қадоқлаш, брошуралаш, муқовалаш, елимлаш, тикиш ва безаш ускуналарининг турлари ва замонавий жиҳозларининг тузилиши, ишлатилиш соҳаси бўйича малака қўникмаларини оширишга хизмат қиласди.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

### Календар режа

№	Мавзу	Соати	Ўтказиладиган муддати
Назарий машғулотлар			
1	Матбаа маҳсулотлари технологиясидаги инновацион жихозлар ва улардан фойдаланиш	2	5-ҳафта
2	Бир пичоқли қирқиши усқунаси. Усқунанинг технологик шакли ва ишлаш	2	5-ҳафта
3	Буклаш ускуналари. Буклаш ускуналарининг таркибий шакли	2	6-ҳафта
Амалий машғулотлар			
1	Буклаш ускуналарининг тузилиш элементлари	2	6-ҳафта
2	Елимлаш ва ўраш автоматлари. Елимлаш ва ўраш автоматларининг ишлатилиши, турлари ва курилиш принциплари, қўллаш доираси	2	6-ҳафта
3	Йиғиш ускуналари. Йиғиш ускуналарининг моҳияти, Турлари ва қўллаш доираси	2	6-ҳафта
4	Ип билан тикувчи ускуналар. Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни	2	6-ҳафта
5	Компьютер – босма қолип (СтП) технологияси ускуналари ва назорат воситалари	2	7-ҳафта
Мустакил таълим			
1	Бир пичоқли қирқиши усқунаси. Усқунанинг технологик шакли ва ишлаш	2	7-ҳафта
2	Компьютер – босма қолип (СтП) технологияси ускуналари ва назорат воситалари	2	7-ҳафта
Кўчма машғулот			
1	“Ўзбекистон” НМИУ даги замонавий жихозлар билан танишиш	6	7-ҳафта
<b>Жами: 26 соат</b>		26	

### Адабиётлар

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”. 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”. 2011.-440 б.

5. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

6. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

## **II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

## **III. Махсус адабиётлар**

1. Гельмут Киппхан. Энциклопедия по печатным средствам информации. М., «Мир книги», 2003. 264 стр.

2. 18. М.Усманов. Брошюралаш - муқовалаш жараёнлари технологияси.

3. Т.ТТЕСИ, 1999 й. 1846.

4. Д.С.Набиев, И.А.Набиева. Целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш технологияси. Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти”, 2010. -256 б.

5. М.Примқулов, F.Рахмонбердиев. Целлюлоза ва қофоз технологияси. “Фан ва технологиялар”. 2009. - 167 б.

6. F.P.Рахмонбердиев, М.Т.Примкулов, Ю.Т.Тошпўлатов. Қофоз технологиясининг асослари. –Т., “Алоқачи”, 2009.-404 б.

7. М.Примкулов, F.Рахмонбердиев. Қофоз технологияси. Т: “Фан ва технология”, 2009.- 232 б.

## **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

7. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

**1-Мавзу: Брошюралаш-муқовалаш ускуналари ҳақида умумий тушунчалар.**

**Режа:**

1. Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг қўлланилиши
2. Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг синфланиши

**Калит сўзлар:** брошиора, тахлам, пардозлаш ускуналари, муқова, агрегат, супермуқова, журнал, меҳнат сарфи.

### **Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг қўлланилиши**

Бутун ишлаб чиқариш умумий меҳнат сарфининг 50-60% ни ташкил қилувчи брошюралаш-муқовалаш жараёнларининг юқори меҳнат сарфи ва жисмоний оғир операсияларнинг мавжудлиги алоҳида эътибор талаб қиласди. Сўнгти ўн йиллик давомида брошюралаш-муқовалаш жараёнлари жадал суратлар билан ривожланди. Натижада унинг техникавий даражаси анча ўсди. Автоматик оқим тизимлари билан жиҳозланган брошюралаш-муқовалаш ишлаб чиқаришининг механизациялашганлик даражаси такомиллашди. Бироқ, йирик ва ўрта корхоналардаги брошюралаш-муқовалаш бўйлимларида механизациялашганлик даражаси 80% га етишига қарамасдан, кўпчилик операсияларда қўл меҳнати талаб қилинмоқда. Йиғиш ва ипда тикиш ускуналарига дафтарларни жойлаш, агрегатларга тахламларни юклаш ва қирқиш ускуналарида ишлашда оғир жисмоний меҳнат сақланиб қолмоқда. Тахламларни супермуқовага жойлаштириш, хатчўп ва расмларни дафтарларнинг ичига елимлаш каби операсияларда ускуналардан фойдаланиш даражаси паст. Улар кўпинча қўлда бажарилади.

Брошюралаш-муқовалаш саноатида ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот турлари орасида китоб, брошиора ва журналларнинг улуши катта. Китоб брошюрадан фақат ҳажми, яъни саҳифалар сони билан фарқ қиласди. Матбаа маҳсулотлари бўйича ЎзДСт ларига мувофиқ брошюрада саҳифалар сони 48 тагача бўлади, китоб саҳифалари эса 48 тадан юқори бўлади. Журнал китоб ва брошюрадан фақат чиқиш даврийлиги бўйича фарқ қиласди. Бошқача қилиб айтганда, журнал йил давомида маълум бир оралиқлар билан нашр қилинади.

Брошюралар ва уларга ҳажми бўйича мос келувчи журналлар, одатда, миндириб йиғилади ва симда тикилади. Бу маҳсулот турлари катта меҳнат сарфи талаб қилмайди ва брошюралаш-муқовалаш ишлаб чиқаришининг асосий меҳнат сарфини белгиламайди.

Китоблар меҳнат сарфи юқори бўлган нашр ҳисобланади, чунки улар ўзаро бирлаштирилаладиган ва тавсифи бўйича турлича бўлган кўплаб элементлардан ташкил топади: дафтарлар, дафтарларнинг улушли қисмлари, расмлар, муқовалар ва б.

Китоб маҳсулотларининг асосий қисми рулонли офсет босма ускуналарида босилади. Чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида ипда тикилган юмшоқ муқовали

нашрларнинг улуши катта. Кичикроқ миқдорда тикмасдан елимлаб маҳкамланган қаттиқ муқовали китоблар ҳам ишлаб чиқарилади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, китоб ишлаб чиқариш меҳнат сарфи китоб тахламларини корешокда маҳкамлаш усулига боғлиқ. Шунинг учун ипда тикилган китоб ишлаб чиқаришни камайтириш ва тикмасдан елимлаб маҳкамланган китоблар улушкини қўпайтириш брошюралаш-муқовалаш ишлаб чиқариши меҳнат сарфини камайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Китобларнинг тузилиши нафақат уларни тайёрлаш меҳнат сарфига, балки технологик жараёнга, қўлланиладиган ускуналарга ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ҳам таъсир кўрсатади. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари жуда хилма хил. Бу китоб тайёрлаш бўйича технологик операсияларнинг кўплиги ва турли тавсифга эга бўлиши билан боғлиқ. Ўз навбатида ускуналар таркиби маҳсулот тури, унибезаш тавсифи, ишлаб чиқариш қўлами ва адад миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

### **Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг синфланиши**

Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг синфланиши турли аломатлари бўйича амалга оширилиши мумкин. Лекин ишлов бериладиган маҳсулот тури – варақлар, дафтарлар, тахламлар, муқовалар ва бошқалар бўйича ускуналарни синфлаш энг оддий ва мантиқий усул ҳисобланади. Ушбу аломати бўйича брошюралаш-муқовалаш ускуналари қўйидаги асосий технологик гурухларга тақсимланиши мумкин:

1) варақларга ишлов бериш ускуналари бир пичноқли қоғоз қирқиш ускуналари, рулонларни вараққа қирқиш ускуналари, тахламдаги варақларни текислаш ускуналари, тахламни кўтариш ва ҳаракатлантириш ускуналари, буклаш ускуналари.

2) дафтарларга ишлов бериш ускуналари: йиғиш ускуналари, тикиш ускуналари, елимлаш ва ўраш ускуналари, дафтар сиқиши пресслари.

3) тахламга ишлов бериш ускуналари: тахлам корешогига елим суртиш ускуналари, тахлам сиқиши пресслари, уч томондан қирқиш ускуналари, думалоқлаш ускуналари, капитал елмилаш ускуналари, тикмасдан елимлаб маҳкамлаш ускуналари, тахламга ишлов бериш агрегатлари;

4) муқова тайёрлаш ускуналари: картон қирқиш ускуналари, рулон қирқиш ускуналари, муқова тайёрлаш ускуналари, муқоваларни қисиши ва муқоваларда босиш ускуналари;

5) тайёр маҳсулотни йиғиш ва пардозлаш ускуналари: тахлам ўрнатиш ускуналари, чизиқлаш ускуналари, китоб сиқиши пресслари, супермуқовага ўрнатиш ускуналари, юмшоқ муқова билан ўраш ускуналари;

6) ёрдамчи ва қўшимча ускуналари: каландрлар, қуритиш қурилмалари, ўраб жойлаш ускуналари, муқоваларни тозалаш ускуналари ва бошқа ускуналар.

Юқорида санаб ўтилган барча ускуналар бир ишловли ёки агрегатлашган, яъни бир қатор аралаш технологик операсияларни бажарадиган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, барча ускуналар яримавтомат ва автомат бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган синфлашдан кўриниб турибдики, брошюралаш-муқовалаш бўлимида матбаа маҳсулоти тайёрлаш учун турли технологик

жараёнлар талаб қилинади. Бу технологик жараёнлар оммавий равишда кўп бор такрорланади. Бу меҳнат сарфини сезиларли оширади.

Меҳнат сарфини камайтириш, оғир жисмоний операсиялар миқдорини камайтириш, маҳсулот сифатини ошириш яқин келажакда брошюралаш-муқовалаш жараёнларини ривожлантиришнинг асосий ёъналишлари хисобланади.

Ипда тикиб махкамланган қаттиқ муқовали нашрлар миқдорини камайтириш орқали брошюралаш-муқовалашда меҳнат сарфини камайтириш мумкин. Лекин меҳнат сарфини камайтириш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг бошқа ёъллари хам бор. Бу жараённинг самарадорлиги янги материалларни қўллаш, такомиллашган технологик жараёнларни жорий қилиш билан хам боғлиқ.

Кўл меҳнати хажмини кескин камайтириш бўлим ичидаги маҳсулотларни қўлда ҳаракатлантиришни бартараф қилиш, автоматик оқим тизимларининг иш тезлигини ошириш брошюралаш-муқовалаш саноати олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш брошюралаш-муқовалаш ускуналарини такомиллаштиришнинг асосий ёъналиши хисобланади. Ускунани созлаш вақтини қисқартириш хисобига унумдорликни оширишга ва хизмат кўрсатувчи ишчилар сонини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Хозирда брошюралаш-муқовалаш саноатида микрокомпьютерлар ва дастурлаштириладиган бошқарув қурилмалари кенг қўлланилмоқда. Улар ускунани ишга туширишда олдин созлашни автоматлаштиришга, оқим тизимларидаги алоҳида ускуналарни бошқариш ва созлаш, бу тизимлардаги носозликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш қарорларини қабул қилиш ва бошқа ишларни автоматлаштиришга имкон беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг ишлаш жараёнини тушунтиринг
2. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари қандай асосий технологик гурухларга тақсимланади.
3. Брошюралаш-муқовалаш саноатининг перспектив ривожланиш йўналишларини айтиб беринг

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Последнее оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.

## **2-Мавзу. Бир пичоқли қирқиши ускунанинг технологик шакли ва ишлари принципи**

### **Режа:**

1. Бир пичоқли қирқиши ускунаси
2. Пичоқ механизми
3. Сиқиши механизми

**Калит сўзлар:** микропроцессор, тахлам, полар бир пичоқли қирқиши ускунаси, пичоқ механизми, ҳимояловчи тяга, қирқиши ускунаси, гидроцилиндр, фиксатор, сиқиши механизми, сиқиши босимини,

### **Бир пичоқли қирқиши ускунаси**

Бир пичоқли қирқиши ускуналари тахламдаги варакли материалларни, хусусан картонни, синтетик плёнкаларни, мато, фанер ва бошқаларни қирқиши учун мўлжалланган. Бирок, бу ускуналарнинг асосий вазифаси тахламдаги тоза варакли қофозларни ва босмадан сўнг олинган варак-нусхаларни қирқиши ва бўлакларга бўлишдан иборат. Қирқишида тахламни ён чеккаларини текислаш ёки тахламга керакли ўлчам бериш мақсадида тахламнинг ён чеккалари кесилади. Бўлакларга бўлишда тахлам бир хил ёки турли ўлчамдаги бир неча бўлакларга бўлинади.

Бир пичоқли қирқиши ускуналарда ишлаш оғир жисмоний қўл меҳнатини бажариш билан боғлиқ. Яқин келажакда қоғозларни тахламда қирқиши жараёнида ишчининг иштирокидан тўлиқ воз кечишнинг иложини топиш мураккаб, чунки тахламлар қоғознинг ўлчами, сифати ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда нодоимий тавсифга эга. Бир пичоқли қирқиши ускуналарида ишлаш шароитларини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида қўшимча ускуналардан фойдаланилади. Шунингдек, янги ускуналарда берилган дастур бўйича механизмлар ишини бошқарадиган микропроцессорлар, тахламни қисқа вақт ичида жойлаштириш ва юқори аниқликда қирқишини таъминловчи гидравлик пичоқ, тўсин ва узатгич юритмаларидан фойдаланиш кенгаймоқда.

Тахламни қирқиши учун керакли вақтнинг катта қисми бевосита ускунанинг ўзи билан боғлиқ бўлмаган, яъни тахламни қирқишига тайёрлаш ишларига сарфланади. Ускуна вақти, яъни ускунада тахламни қирқишининг ўзига кетадиган вақт тахламга ишлов бериш умумий вақтининг оз миқдорини ташкил этади.

Тахламни бир неча бўлакка бўлиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:


- тахламни 200-300 варакдан иборат бўлакларда текислаш;
- текисланган варакларни ускуна столига тахламнинг керакли баландлигига эришилгунча жойлаштириш;
- тахламни узатгич ёрдамида пичоқقا нисбатан мослашгунча ускуна столида силжитиш;
- ускунани ишга тушириш ва тахламни қирқиши;
- тахламнинг қирқилган қисмини столдан олиб қўйиш;

- тахламни қайтадан силжитиш ва ўрнатиш;
- усқунани қайтадан ишга тушириш ва тахламни қирқиши;
- тахламнинг қирқилган қисмларини қайтадан столдан олиб қўйиш;
- тахламнинг қолган қисмини олиб қўйиш.

Шу тарзда, бир тахлам варакқа ишлов беришда ишчининг иштирокини талаб қилувчи ишлар вақтнинг 80-90%ини ташкил қиласди. Шунинг учун унумдорликни оширишда, меҳнат сарфини камайтириш ва жисмоний меҳнат талаб қиласиган қўлда бажариладиган ишларни енгиллаштиришда бир пичоқли қирқиши ускуналарини ёрдамчи қурилмалар - тахлам кўтаргичлар, текисловчи қурилмалар, пневматик транспортёрни қўллаш, шунингдек, ускуналарнинг ўзини автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим жиҳат қирқиши ускуналарида ишлашда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳисобланади. Бундай ускуналарда ишлаб чиқариш жароҳатлари салбий оқибатларга олиб келади ва қирқиши ускуналари шунинг учун ҳам хавфли, ишчи бевосита пичоқ ва сиқиши тўсини ҳаракатланадиган хавфли соҳада ишлайди. Ускунада хавфсиз ишлаш ускунанинг тузилиши билан, бундан ташқари ишчининг меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш билан таъминланиши керак.

Расм 1 да бир пичоқли қирқиши ускунасининг умумий кўриниши шакли тасвирланган. Унда ишлаш яримавтоматик жараёнда қўйидаги тарзда амалга ошади.



Расм 1. Полар бир пичоқли қирқиши ускунасининг умумий кўриниши ва шакли

Ишчи стол 3 га икки «тўғри» томонлари билан текисланган қофоз тахлами 2 ни алоҳида-алоҳида бўлаклаб жойлаштиради. Тахлам бир томони билан узатгич 1 га ёки ён тиргак 11 га жойлаштирилади. Шундан сўнг узатгич 1 тахлам билан биргаликда стол 3 бўйлаб пичоқ 5 йўналишида узатгич ва пичоқ орасидаги аниқланган ўлчам ҳолатига ҳаракатланади. Ишчи ускунани ишга туширади, тўсин 4 пасаяди ва тахламни сиқади, шундан сўнг пичоқ 5 тушади ва варакларни қирқади. Стол чуқурлигига марзан 6 мавжуд бўлиб, унга пичоқ қўйи ҳолатида 1,5-2 мм кириб боради. Марзан 6 тахламнинг пастки вараклари учун таянч вазифасини бажариб, уларнинг аниқ ва сифатли қирқилишини таъминлайди.

Қирқишидан сўнг пичоқ, ундан сўнг тўсин юқори ҳолатига кўтарилади ва ускуна автоматик равища ўчади. Шу тахламни яна қирқилиши талаб қилинса тахламни янги ўлчамга ўрнатилиш жараёни такрорланади ва янги қирқиши амалга оширилади. Тахламнинг қирқилган қисмлари олд столдан платформага олиб қўйилади. Стол пичоқ остида призма 7 га, унинг орқа қисми эса гайка 9 ли созловчи винт 8 га таянади. Созловчи винт таянч 10 орқали ўтади. Гайка 9 ни бураб стол 3 ни тахлам қирқилганидан кейин тахламдаги юқори ва қўйи варакларнинг ўлчами бир хил бўладиган ҳолатга келтирилади.

Исталган бир пичоқли қоғоз қирқиши ускунасининг тузилиши учта асосий механизмлар билан аниқланади:

- пичоқ механизми, у ёрдамида тахлам қирқилади;
- сиқиши механизми, у ёрдамида қирқиши вақтида тахлам вараклари силжишининг олди олинади;
- узатгич механизми, у ёрдамида тахлам стол бўйлаб пичоққа нисбатан керакли ўлчам ҳолатигача силжитилади.

Автоматлаштирилган ускуналарда тахламни қирқиши бўйича бир қатор ишлар ишчининг иштирокисиз микропроцессор бошқарувида амалга ошади.

Ускунада ишлов бериладиган маҳсулотнинг чегаравий ўлчамлари билан фарқланадиган ускуналарнинг турли тоифалари мавжуд. Асосий кўрсаткичлар қўйидагилар: қирқиладиган тахламнинг максимал эни, тахламнинг максимал баландлиги, узатгич текислигидан пичоқ текислигигача бўлган максимал масофа. Одатда бир пичоқли қирқиши ускуналари учта асосий тоифага бўлинади: кичик - тахлам эни 70 см гача, ўрта - 90 см гача ва катта - 90 см дан юқори. Тахлам баландлиги 8-15 см бўлиши мумкин.

Варақларни қирқиши тозалиги ва аниқлигига қўйиладиган талаблар, шунингдек, ускунанинг мустаҳкамлигига ва тайёрланиш аниқлигига бўлган талаблар доимо ошиб бормоқда. Технологик жараёнлар кетма-кет ишловларни автоматлаштириш ва босма маҳсулоти сифатини ошириш берилган ўлчамларга қирқишида 0,1 мм дан юқори бўлган, варақнинг қийшиқлиги бўйича варақ узунлигининг 0,1% игача бўлган юқори аниқликка эришишни талаб қиласи. Тахламни қирқиши тозалиги - варақларнинг қирқилган чеккалари микронотекисликларининг минимал миқдори ҳам қирқиши сифатини белгиловчи мухим кўрсаткич ҳисобланади.


Варақларни қирқишида юқори аниқликка эришиш учун тахламни аниқлик билан текислаш, уни узатгичга нисбатан столга тартиб билан жойлаштириш, шунингдек, лойиҳалашда, тайёрлаш ва фойдаланишда ускунанинг ўзига ва механизмларига қўйиладиган қатъий талабларга риоя қилиш керак.

Барча бир пичоқли қирқиши ускуналарининг принципиал тузилиши, уларнинг русумларидан қатъий назар, амалда бир хил. Фақатгина автоматлаштирилганлик даражасида, у ёки бу бўлимларнинг тузилишида фарқлар бўлиши мумкин.


### **Пичоқ механизми**

Бир пичоқли қирқиши ускуналарида пичоқлар пичоқ ушлагичлар билан биргаликда пичоқка керакли мустаҳкамлик берадиган ва юритма билан кинематик боғланган оғир деталлар ҳисобланади.

Қоғоз қирқиши ускуналарида (расм 2, а) пичоқ 2 ни ҳаракатлантириш учун икки кулисалы механизм қўлланилиб, унда пичоқ ушлагич 1 ускуна станицасига маҳкамланган сухар 3 ва 4 ларга қия пазлар билан таянади, ҳамда таркибли тяга 11 ва 12 (расм 2, б) ёрдамида кривошиб 10 билан боғланган. Гайка 9 юқори 11 ва қуий 8 қисмларни бирлаштириб туради. Гайкани бураб тягани қисқартириш ёки узайтириш, яъни пичоқни пастга тушириш ёки кўтариш мумкин. Бу нарса пичоқни чархлашда ва марзанга киришни созлашда муҳим. Тяганинг юқори қисмида ҳимояловчи болт 8 ўрнатилган бўлиб, у ускунани ортиқча юкланишдан сақлайди. Йўналтирувчи стержень 7 ҳимояловчи болт 8 узилганда юқори ва қуий тяга қисмларининг ўзаро холатини сақлайди ҳамда пичоқ ушлагичнинг юқори бошланғич ҳолатга қайтишни таъминлайди.




Расм 2,а. Пичоқ механизми шакли



Расм 2,б. Ҳимояловчи тяганинг тузилиши

Иккинчи созлаш пичоқнинг қирқиб бориш бурчагини ўзгартириш ҳамда қуий ҳолатда пичоқнинг марзанга нисбатан параллеллигини ўрнатиш учун зарур бўлади. Фиксатор 6 нинг эркин ҳолатида ричаг 5 ёрдамида сухар 4 ни юқорига ёки пастга суриб пичоқнинг қирқиб бориш бурчагини созлаш мумкин.

Қирқиши ускуналарининг баъзи моделларида пичоқни кўтариш ёки тушириш учун гидроцилиндр қўлланилади. Расм 3 да шундай механизмнинг шакли келтирилган.



Расм 3. Гидравлик пичоқ механизми шакли

Пичоқ ушлагич 1 тебранувчи халқалар 2 га илиб қўйилган ва тяга 5 ёрдамида гидроцилиндр 4 штокига уланган. Мой босим билан цилиндрнинг юқори қисмiga берилганда поршень 6 ва шток 5 пастга тушади ҳамда пичоқ ушлагич пичоқ билан биргаликда пастга ҳаракат қиласи. Кейин мой узатиш цилиндрининг пастки қисмiga йўналтирилганда пичоқ кўтарилади. Пружина 3 пичоқни юқорида ушлаб туради.

Қирқиш ускуналарида ишчи қурол сифатида қўлланиладиган пичоқлар тўғри бурчакли пластиналардан тайёрланади. Улар бир томонлама пона шаклида чархланган бўлиб, иккита, яъни вертикаль ва қия ишчи чегарага эга. Уларнинг кесишиш чизиги кескир тифни ҳосил қиласи. У пичоқнинг тез едирилиб кетадиган қисмидир. Пичоқнинг ўткирлиги қирқувчи тиф айланмаси радиусининг катталиги билан аниқланади: радиус қанча кичик бўлса, пичоқ ўткирроқ бўлади. Қирқиш ускунасида иш жараёнида тиф қофозга образив ишқаланиш ҳисобига едирилади ва ўтмаслашиб қолади. Бунда тиф айланмаси радиуси катталашади. Пичоқ ўткирлигини тиклаш учун уни ускунадан чиқариб олинади ва маҳсус чархлаш қурилмаларида қия чегараси чархланади. Одатда  $19\text{--}24^{\circ}$  га teng бўлган пичоқ чархланиш бурчагининг катталашуви қирқиш кучланишнинг ортишига ва пичоқнинг тезроқ ўтмаслашувига олиб келади. Пичоқ чархланиш бурчагининг камайиши тиф мустаҳкамлигининг ҳамда букилиб кетишига чидамлиликнинг пасайишига олиб келади.

Пичоқ пичоқ ушлагичга пичоқ корпусидаги тешиклар орқали болтлар ёрдамида маҳкамланади. Қўпчилик қирқиш ускуналарида пичоқ пичоқ ушлагичга вертикаль қирраси текислиги билан ўрнатилади. *Полар* ускуналарида пичоқлар пичоқ ушлагичга қия чеккаси текислиги томонидан ўрнатилади. Агар биринчи ҳолатда пичоқ қалинлигининг ўзгариши қирқиш чизиги ҳолатига таъсир кўрсатмаса, *Полар* фирмаси ускуналарида турли қалинликдаги пичоқларни ўрнатиш қирқиш чизигининг олдинга ёки орқага сурилишига олиб келади. Бироқ пичоқни ўрнатишнинг бу тури ўтмаслашиб қолган пичоқни ўткир чархланган пичоққа алмаштиришни осонлаштириш ва хавфсиз қилиш, шунингдек, микропрессорга пичоқни алмаштириш дастурини киритиш имконини беради. Тахламни қирқишида пичоқ қуий ҳолатда пастки варақларнинг сифатли қирқилишини таъминловчи марзанга кириб боради. Пичоқ янги марзанга биринчи марта кириб борганда кўндаланг кесими пичоқ профилига мос келадиган чукурлик ҳосил бўлади. Марзанинг горизонтал ишчи текислиги ва

чуқурликнинг вертикал текислиги томонидан ҳосил қилинган бурчак ўткир чекка ҳосил қилиб, тахламнинг қуий қофозлари учун таянч вазифасини бажаради. Қуий варақларни қирқиш ҳаракатдаги пичоқнинг марзан билан ўзаро таъсирида аниқ ва тоза амалга ошади.

Замонавий қирқиш ускуналарида пичоқ пасайганда «қиличли» ҳаракат қиласди. Бунда юқори бошланғич ҳолатда пичоқнинг тифи тахлам текислигига нисбатан қирқиш бурчаги  $1^0$  бўлган ҳолатда жойлашади. Шунинг учун тиф тахламга текканида бирданига тахламнинг бутун узунлиги бўйлаб эмас, балки бир чеккадан доимий равищда қирқиб боради. Пичоқ пасайиши вақтида бир томонга ҳаракат қиласди ва қирқиш бурчагига бурилади. Қуий ҳолатда бу бурчак қирқиш сифатли бўлиши ва марзанни шикастмалик учун нолга teng бўлиб қолади.

Пичоқнинг «қиличли» ҳаракатида ускунадаги юкланиш аста-секинлик билан ўсиб боради, тахламдаги варақларнинг силжиб кетиши камаяди, қирқиш аниқлиги ошади, қирқиш кучи камаяди, ускуна камроқ едирилади. Пичоқнинг бундай мураккаблашган траекториясига пичоқни ҳаракатга келтирувчи маҳсус қурилма механизмлари ёрдамида эришилади. Барча қирқиш ускуналарида пичоқ механизми, одатда, кўп бўғинли ричагли механизмдан иборат бўлиб, кривошипдан ҳаракатга келади ҳамда ҳар бир қирқишидан сўнг автоматик равищда ўчади.

### **Сиқиши механизми**

Қирқиш ва бўлакларга бўлишда тахламдаги варақлар ҳаракатсиз ҳолатда силжитмасдан ушлаб турилиши керак. Шу мақсадда қирқиш ускуналарида сиқиши механизми кўлланилади. Улар қирқиладиган маҳсулотни зичлаштириш ва қирқиш жараёни давомида пичоқ юқори ҳолатга кўтарилгунга қадар тахламни ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб туриши керак.

Сиқиши механизми тахламга аста-секинлик билан тушиши ва варақларни силжитиб юбормай сиқиб туриши керак. Тахламнинг юқори қисми кўп ҳолларда қирқиш аниқлигига нисбатан ноқулай шароитларда бўлади: у тахламнинг пастки варақларидан иборат асосда ётади, шунинг учун юқоридаги варақлар кўпроқ эзилади ва шу туфайли тахламдан чиқариб ташланади. Айнан шунинг учун сиқиши кучи қирқиш бошланишига қадар ўзининг максимум қийматига эришиши керак. Натижада тахлам сиқилади ва қирқиладиган варақлар асоси зичлашади. Тахламни қирқиш жараёнида сиқиши босими доимий қийматда сақланиб туриши керак. Бироқ, тахламни сиқиши босими маълум қийматдан юқори бўлмаслиги керак. Масалан босим кучининг  $40 \text{ H/cm}$  дан ошиб кетиши қирқиш аниқлигига таъсир кўрсатмагани ҳолда қирқиш кучини оширади.

Қирқишининг керакли аниқлигини таъминлайдиган сиқиши босимининг талаб қилинган кучи қофоз зичлиги ошганда, тахлам баландлиги ошганда, қирқиш кучи қўпайганда, тахламнинг дастлабки зичлиги паст бўлганда оширилиши керак. Шунинг учун меъёрий иш тартибида босим кучи қирқишининг талаб қилинган аниқлигига эришиладиган даражада минимум қилиб танланади.


Замонавий сиқиши механизмлари таранг ҳисобланади, яъни сиқиши тўсини тахламга тушади ва уни бутун қирқиш жараёни давомида қиймати ўзгармайдиган

куч билан ушлаб туради. Тахlamни сиқиши гидравлик механизмлари энг афзал ва истиқболли ҳисобланади. Уларда босим гидроюритма ёрдамида ҳосил қилинади. Унинг афзаллиги шундаки, сиқиши босимини қирқиладиган материал хусусиятларидан келиб чиқиб кенг чегарада, юқори аниқлиқда ҳамда қисқа вақтда созлаш мумкин.

Пичоқнинг тахlamга кириб бориш вақтида сиқиши қучи қирқиши кучининг ўртача қийматига мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, тахlamни қирқиши вақтида силжитмай ушлаб туриши учун сиқиши қучи тахминан қирқиши кучига teng бўлиши керак.

Расм 4 да *Полар* фирмасининг қирқиши ускуналарида қўлланиладиган гидравлик сиқиши механизми шакли келтирилган.



Расм 4. Гидравлик сиқиши механизми шакли

Сиқиши тўсини 1 бурчакли икки елкали ричаглар 3 ёрдамида тяга 2 билан уланган. Елкалар бир-бiri билан штанга 4 орқали боғланган. Гидронасодсан цилиндр 9 нинг пастки қисмига мой берилганда поршень 10 шток 8 билан биргаликда кўтарилади, ричаг 7 соат милига қарши йўналишда айланади ва тяга 6 икки елкали ричаглар 3 орқали сиқиши тўсинини тахlamга туширади ҳамда технологик керакли босим ҳосил қиласди. Қирқишидан сўнг мойни бериш йўналиши ўзгаради. Мой цилиндрининг юқори қисмига етиб келади, поршень пасаяди ва тўсин бошлангич ҳолатига кўтарилади. Пружина 5 тўсинни юқорида ушлаб туради, бу айниқса ускуна узоқ тўсини юқорида ушлаб туради, бу айниқса ускуна узоқ вақт ишсиз турганда муҳим.

*Полар* ускуналарида сиқиши механизми вазифалари бошқа бир пичоқли қирқиши ускунадагиларга нисбатан анча кенгайтирилган. Тахlamни қирқиши жараёнида ушлаб туришдан ташқари, сиқиши тўсинидан варақлар орасидаги ҳавони камайтириш ва тахlamning нотекислигини йўқ қилиш мақсадида прессловчи қурилма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қирқишиз пресслаш функцияси дастурланади. Бундай иш тартибида, табиийки, ускунанинг бошқа механизмлари ишламайди.

Бундан ташқари, тахlamни сиқиши механизми қурилмаси тўсинни тахlamга теккан вақтидан бошлаб то пичоқни тахlamга кириб боришгача бўлган вақт оралиғида тахlamning босим остида бўлишини созлашга имкон яратади. Бу вақтнинг кўпайиши варақларни қирқиши аниқлигига таъсир кўрсатади. Вақт қанча кўп бўлса, сиқиши тўсин тахlamни узоқроқ сиқади ва варақларни тўсин остидан чиқиб кетишининг олди олинади ҳамда шунга мувофиқ, қирқиши аниқлиги юқори бўлади. Тахlamни сиқишининг бошланиши ва қирқишининг бошланиши орасидаги вақтни узайтириш имконияти зичлиги кам ва юмшоқ варақларни қирқишида

қулайликлар яратади. Қаттиқ ва қалин қоғоз турлари ва картонни қирқишида сиқишининг бошланиши ва қирқишининг бошланиши орасидаги вақт интервали варақларни қирқиши аниқлигига камроқ таъсир кўрсатади. Албатта, вақтни созлаш интервали сониянинг улушларида ўлчанади ва кинематик даврнинг умумий давомийлигига қўшиб қўйилади. Бу ускунада механизмларнинг ўзаро ҳаракати асосан кинематик алоқалар билан эмас, балки микропроцессорга киритилган дастур туфайли амалга ошади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тахламни бир неча бўлакка бўлиш учун қандай ишларни амалга оширилади?
2. Полар бир пичоқли қирқиши ускунасининг умумий кўриниши тавсифланг
3. пичоқли қоғоз қирқиши ускунасининг тузилиши қандай асосий қисмлардан иборат
4. Пичоқ механизми ишлаш жараёнини тушунтиринг

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Последовательноэ оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.

### **3-Мавзу. Буклаш ускуналари. буклаш ускуналарининг таркибий шакли**

#### **Режа:**

1. Буклаш ускуналарининг таркибий шакли.
2. Буклам ҳосил қилиш принциплари.
3. Самонакладлар.

**Калит сўзлар:** тахлам, корешог, брошиора, муқова, самонакладлар, яssi стапелли самонакладлар, кассетали буклаш ускуналари.

#### **Буклаш ускуналарининг таркибий шакли**

Китоб-журнал маҳсулотларининг катта қисми рулонли ротасион ускуналарда босилади, аммо варақли босма ускуналаридан ҳам кенг фойдаланилади. Бу ҳолда босилган варақларни дафтар кўринишида буклашга зарурат туғилади. Шунга мувофиқ буклаш - бу варақларни берилган ўлчам ва тузилиш кўринишида дафтар ҳолига келтиришдир. Бу брошиоралаш муқовалаш жараёнидаги асосий ишловлардан бири бўлиб, нашриёт маҳсулоти сифатига, шунингдек, брошиоралаш муқовалаш ишларининг тавсифи ва меҳнат сарфига, хусусан, тикиш ва тахлам корешогини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади.

Варақларни буклашнинг учта асосий тури фарқланади: перпендикуляр, бунда ҳар бир навбатдаги буклам ўзидан олдингисига перпендикуляр бўлади; параллел, бунда навбатдаги буклам олдингисига параллел бўлади; аралаш, бунда варақ ҳам параллел, ҳам перепендикуляр букланади. Бундан ташқари буклаш симметрик ёки силжитилган бўлиши мумкин. Китоб-журнал маҳсулотлари учун перпендикуляр ва аралаш буклашдан фойдаланилади.

Вазифаси бўйича проспектларни буклаш ва китоб-журналли буклаш фарқланади. Китоб-журнал маҳсулотларини буклашда маҳкамлаш имконияти кўзда тутилиши керак. Китоб-журнал маҳсулотларини буклашнинг энг кенг тарқалган усули симметрик перпендикуляр буклашdir, китоб-журнал ротасияларидан тайёр дафтарларни олишда эса-аралаш буклаш. Китоб тахлами дафтарларини параллел буклаш нисбатан кам ишлатилади.


Буклашнинг барча турларида дафтарларнинг буклам сони турлича бўлиши мумкин ва шунинг учун улар бир,- икки,- уч, - ва тўрт буклали турларга бўлинади. Дафтardаги бетлар сони букламлар сони орқали аниқланади. Китоб ва журналлар учу насосан уч (16 бетли) ва тўрт (32 бетли) буклами. Камдан кам ҳолларда эса икки букламли дафтарлардан фойдаланилади. Фақатгина форзатс, жилд, ёпишма кабилар бир марта букланади. Кейинчалик ипда тикувчи ёки йиғувчи-тикувчи ускуналарда ишлов бериладиган букланган варақлар 8 мм атрофида шлейфга эга бўлиши мумкин. Бу самонаклада дафтарларни очиб туриш имконини яратади.

Буклашга қўйидаги асосий талаблар қўйилади: бетларнинг тўғри кетма-кетлиги, букламларнинг аниқлиги, гижимларнинг йўқлиги, нусхаларнинг суркалиб кетмаслиги, дафтарнинг тузилиши йиғиш ва тикишга қулай бўлиши. Букланадиган варақлар иккита «тўғри» томонга эга бўлиши, жуда нам бўлмаслиги, кемтик чекка ёки букилган бурчакларга эга бўлмаслиги керак. Босма ускунада сахифаларнинг жойлашиши ва варақни буклаш шакли бир-бири билан

боғлиқ бўлиши, буклаш ускуналарининг ўлчамлари эса варақли босма ускуналари ўлчамларига мос бўлиши керак.


### Буклам ҳосил қилиш принциплари

Одатий буклаш ускуналарида буклашнинг икки туридан- пичоқли (расм 1) ва кассетали (расм 2) буклашдан фойдаланилади. Икала усулда ҳам буклаш ишининг моҳияти қуидагича: аввал бўлажак буклам жойида петля ҳосил бўлиб, кейин у айланувчи буклаш валиклари билан сиқилади.



Расм 1. Пичоқли буклаш принципи: 1-варақ; 2-ён таянч; 3-буклаш пичноғи; 4-буклаш валиклари

Пичоқли усулда петля ҳаракатсиз варақقا ҳаракатланувчи буклаш пичноғининг тегиши туфайли ҳосил бўлади, одатда пичноқ варақнинг юқорисидан зарба беради, лекин аксинча йўналишда бўлиши ҳам мумкин (бу ускунанинг тузилишига боғлиқ). Кассетали усулда петля ҳаракатланаётган варақнинг ҳаракатсиз таянчга натижасида ҳосил бўлади.



Расм 2. Кассетали буклаш ҳосил қилиш принципи:  
1-варақ; 2-қофоз ўтказувчи валик; 3-буклаш валиклари; 4-буклаш кассетаси; 5-  
таянч

Буклаш ускуналари ҳам буклам ҳосил қилиш усуллари бўйича фарқланади. Улар пичоқли, кассетали ва аралаш бўлиши мумкин.


### Буклаш ускуналарининг тузилиш принциплари

Буклаш ускунаси қуидаги асосий қисмлардан ташкил топади: самонаклад, буклаш бўлимлари (бир ва ундан ортиқ), қабул қилиш қурилмаси (бир ёки бир неча), назорат қилиш ва пневматик тизимлари. Замонавий ускуналар рақамли электрон бошқарув тизимлари билан жиҳозланиши мумкин. Бундан ташқари, буклаш ускуналарига қўплаб ёрдамчи қурилмалар ўрнатилиши мумкин.

### Самонакладлар

Буклаш ускуналарида яssi стапели ёки айлана стапели самонакладлар билан жиҳозланиши мумкин. Айлана стапели самонакладлардан кўпроқ фойдаланилади, барча буклаш ускуналарининг тахминан 60% ана шундай стапеллар билан жиҳозланган.

**Ясси стапелли самонакладлар.** Ясси стапелли самонакладларда (расм 3.) букланадиган варақ-нусхалар тахлами тагликка (платформага) жойлаштирилади. Устки варақ тахламдан чайқалувчи сўргичлар ёрдамида ажратилажи, вакуумли барабан ёрдамида ушлаб олинади ва валиклар ёрдамида булаш бўлимига йўналтирилган. Варақларнинг сарфланиши баробарида тахламли таглик кўтарилиб боради.



Расм 3. Ясси стапели самонаклад: 1-стапел столи; 2-таянч; 3-пуфлагич; 4-ажратувчи сўргич; 5-вакуумли чиқарувчи барабан; 6-стапел

Бундай самонакладлардан катта ўлчамли булаш ускуналарида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тузилиш мураккаб ва юқори малакали созлаш талаб қиласидиган айлана стапели самонакладлар билан солиширганда улар камроқ майдонни эгаллайди ва катта ҳажмга эга. Стапел пневматикаси ва кўтарилишининг автоматик бошқарув тизими исталган қофоз ва тахламнинг исталган баландлигига ишончлиликни таъминлайди. Бироқ, стапелни алмаштириш ускунани тўхтатишини талаб қиласиди ва шунга мувофиқ, вақт йўқотилишига олиб келади. Бу самонакладлар кичик ва ўрта ададли доимий ўзгариб турувчи буюртмаларга ишлов беришга мос келади.

Ясси стапелли самонакладларнинг баъзилари катта ҳажмдаги тахламларни қабул қилиши мумкин, бу юклашга кетадиган вақтни қисқартиришга имкон буради. Улар катта ўлчамли варақлар билан ишлашда қулай ҳисобланади.

*Стажл* фирмаси булаш ускуналарига ўрнатилган самонакладларда варақларни ажратиш учун *Стажл-TREMAT* тизимидан фойдаланилади, у 40000 такт/соат тезликда ишлаш имконини беради (расм 4). Кенглиги 70 мм бўлган вакуумли барабан юзаси полиуретан қатлами билан қопланади, бу варақни тез ва аниқ сўриб олишни таъминлайди (расм 5). Бундай тузилиш сўриб олиш тактини бошқариш янги тизими билан уйғунликда юқори тезликда исталган қофоз тури билан ишлашга имкон яратади.




Расм 4. *TREMAT* варақ ажратиш тизими



Расм 5. Вакуумли барабан

**Айлана стапелли самонаклад** (расм 6) одатда иккита устки 1 ва пастки 7 столдан, стапелли барабан ёки дисклар 4 дан, транспорт тизими 3 дан, варақ ажратувчи 5 ва варақ чиқарувчи 6 қурилмалардан ташкил топади.




Расм 6. Айлана стапели самонаклад тизмаси: 1-устки стол; 2-букланмаган ташламли ёйиб қўйилган варақлар; 3-транспорт тасмалари; 5-приклон; 6-вакуумли барабан; 7-пастки стол

Варақ тахлами қўлда самонакладнинг устки столига ускунани тўхтатмаган ҳолда жойлаштирилади, ён таянч чизигига тақалади ва каскадли ёйиб чиқилади. Тахлам устки столдан пастки столга бир неча жуфт (масалан, тўрт) тасмали транспортёрлар кўринишидаги транспорт тизими ёрдамида ўтказилади: улардан бирлари устки стол ва стапелли барабанни (ёки дискни) қамраб олади, бошқалари эса пастки столни ва тахламнинг ташки қисгич ёрдамида ҳаракатга келтирилади. У варақ чиқариш қурилмасида маълум миқдорда варақлар мавжуд бўлишини назорат қиласи. Варақларни узатиш оқими ёки маълум даври бўлиши мумкин.

Пастки столда тахлам ён таянчлар билан чегараланади. Тахламнинг устида тормозли роликлардан, тароқлардан, ҳаво оқимли пуркагичдан иборат бўлган варақ ажратувчи қурилма жойлашган. Бу қурилмалар тахламни тўхтатиб, варақларни силжитади. Катта ўлчамли варақларни ажратиш ишончлилигини ошириш учун варақ ажратувчи қрилма қўимча равишда маҳсус сўргич бошча билан изоҳланади. У варақнинг орт чеккасига ўрнатилади. Тошча илгарилама-қайта ҳаракат қилиб, сўргичлар билан кўтарилиган варақни кузатиб қўяди ва навбатдагиси учун қайтиб келади. Варақ чиқарувчи қурилма ясовчиси бўйлаб жойлашган тешикларга эга тўхтовсиз айланиб турувчи цилиндр ва транспорт тасмаларини ҳаракатлантириш механизмидан ташкил топган бўлиб, цилиндр тешиклари вакуум тизими билан боғланган.

Пастки столдан варақлар йўналтирувчи столга ўтади. Бу ҳолда варақнинг ҳаракатланиш йўналишига бурчаг остида варақни ён таянчга (таянч чизгичига) тақайдиган тасмалар жойлашган. Варақларнинг транспортёр тасмаларига тирмашишини яхшилаш учун варақ таянч чизгичига жойлаштирилган шариклар

билин юқоридан босиб турилади (расм 7). Қоғоз навига боғлиқ ҳолда турли ўлчамдаги ва турли материаллардан тайёрланган шариклардан фойдаланилади.



Расм 7. Варақни ҳаракатлантириш: 1-ён таянч; 2-оғирлаштирувчи шар; 3-транспорт тасмаси; 4-варақ

Ясси стапелли самонаклад билан солиширганда айлана стапелли самонакладлар учун каттароқ майдон ҳамда созлаш ва қайта созлаш учун кўпроқ вақт талаб қилинади. Афзалиги эса стапеллнинг катта ҳажмлилигига ва варақ узатишнинг узлуксизлигига намоён бўлади. Шунинг учун бундай самонакладлар катта ададларга ишлов беришда қўл келади ва кассетали буклаш ускуналарида фойдаланилади.

### **Назорат саволлари**

1. Самонакладлар турларини санаб ўтинг
2. Буклам ҳосил қилиш принциплари қандай
3. Буклаш ускуналарининг таркибий шакли қандай
4. Китоб-журнал маҳсулотлари учун қандай буклаш усуллариндан фойдаланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Последовательное оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.


# АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

## 1-Мавзу. Буклаш ускуналарининг тузилиши элементлари

Режа:

1. Буклаш ускуналарининг асосий элементлари»
2. Кассеталар ва буклаш валиклари

Иккитали варақларни назорат қилиш қурилмаси сегментдан, микровилючателдан ва эркин айланувчи роликлардан иборат (расм 1). Сегмент ва ролик орасидаги тирқиши шундай созланадики, биттали варақ сегмент остидан эркин ўтиб кетади, иккитали варақ эса уни туртади. Бу микровилючателнинг ишлаб кетишига сабаб бўлади. У сўриш магистралида магнитли клапани ёпиб қўяди ваш у тарзда варақ узатиш дархол тўхтайди. Бунда ускунага етиб келган варақлар охиригача букланади.




Расм 1. Иккитали варақ ўтиб кетишини тўхтатиш

Кассетали буклаш аппарати (расм 2) кассета ва буклаш валиклари тизимидан, роликли транспортёр ва ён таянч чизғичдан ташкил топади.

Роликли транспортёрнинг айланувчи валиклари 1 варақ В ни узатувчи валиклар 2 ва 3 га етказади. Улар варақни ўлчам ва буклаш схемасига боғлиқ ҳолда созланадиган таянч 5 гача кассета 4 га киритади. Варақнинг олд чеккаси таянчга етиб борганида варақ эгилади ва петля ҳосил бўлади. 2 ва 8 валиклар варақни кассетага узатишни давом эттиради. Петля буклаш валиклари 3 ва 6 билан ушлаб олинади ва бир мартали буклашда таянч 7 ёрдамида 6 ва 8 валикларга йўналтирилади. Шундан сўнг варақ навбатдаги буклаш бўлими транспортига ёки қилиш қурилмасига чиқарилади.

Иккита параллел буклаш учун таянч 7 кассета билан алмаштирилади ва варақ 3 ва 6 валиклардан биринчи букламдан сўнг иккинчи кассетага киради, ундан таянчга етиб боради ва яна петля ҳосил қиласди. У 6 ва 8 буклаш валиклари билан ушлаб олинади (расм 2. в.г.д. га қаранг) ва варақ юқорида баён қилинганга ўхшаш равишда ҳаракатланади.



Расм 2. Кассетали булаш бўлими

Таянчларни ўрнатиш ва кассеталар сонига боғлиқ ҳолда турли вариантда букламлар ҳосил қилиш мумкин: бир букламли симметрик (б), иккита параллел букламли симметрик (в), параллел силжитилган «гармошка» ли (е) ва ўрамли (д). Икки кассетали булаш аппаратидаги вариантлар кўрсатилган намуналар билан чекланмайди. Кўп кассетали аппаратларда булаш вариантлари сони прогрессив равишда ошиб боради. Ҳар бир булаш секциясида олтитагача булаш кассетаси ўрнатилиши мумкин, улар навбати билан юқорида ва пастда жойлашади.

Биринчи булаш бўлими самонаклад билан мустаҳкам боғланган, навбатдагилари эса модулли тузилишга эга бўлиб, индивидуал юритма билан жиҳозланган. Улар эркин равишда бириктирилиши ёки мутақил булаш секциялари сифатида ишлатилиши мумкин.

Одатда биринчи ва иккинчи булаш аппаратларидан кейин маҳсус валларда қирқиши, чизиклаш ва перфорасиялаш учун қрилмалар ўрнатилади.

### **Кассеталар ва булаш валиклари**

Кассеталар горизонтга нисбатан  $\alpha=30^{\circ}\text{-}45^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилади. Кассеталарда деворчалар орасидаги тирқиши ва таянчларнинг ҳолати созланади. Булаш кассеталарининг йўналтирувчилари едирилишга чидамли қопламага эга бўлиб, уларда варак таянчлари аниқ созланиш мумкин. Созлаш соатли турдаги индикаторда (расм 3) таянч ҳолатини белгилаш орқали қўлда ёки рақамли (расм 4) усулда бажарилиши мумкин. Маҳсус электр юритмаси (расм 5) ёрдамида ҳам созлаш мумкин.



Расм 3. Таянчларни соатли индикаторда қўлда созлаш




Расм 4. Таянчларни сонли индикаторда қўлда созлаш



Расм 5. Таянчларни электр юритмаси ёрдамида созлаш

Хар бир жуфт буклаш валикларидан бири қўзгалмас подшипникларда, иккинчиси эса - қўзгалувчи подшипникларда жойлашади; валиклар қоғозни таранг босиб туради ва ўткир буклам ҳосил қиласди. Буклаш валикларида (расм 6) ясовчига параллел йўлкалар ҳосил қилинган бўлиб, варақни яхшироқ ушлаб олиш учун полиуретан халқалар билан таъминланган бўлади. Валиклар орасидаги тирқиши варак қалинлигига мувофиқ ҳолда созланади.



Расм 6. Буклаш валиклари  
Фойдаланилган адабиётлар


1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Последовательноэ оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.

## 2-Мавзу. Елимлаш ва ўраш автоматлари. Елимлаш ва ўраш автоматларининг ишлатилиши, турлари ва қурилиши принциплари, қўллаш доираси

**Режа:**


1. Елимлаш ва ўраш автоматлари.
2. Елимлаш автоматларининг асосий моделлари.
3. Ўраш автомати.

Барча елимлаш автоматларининг тузилиш деярли бир хил. Ускунада дафтарларга ва елимланадиган элементларга эга иккита дўкон 1 ва 2 (расм 1 га қаранг) мавдуд бўлиб, уларнинг олдида даврий ҳаракат қилувчи чиқариш қурилмалари 3 ва 4 жойлашган. Яриммаҳсулотлар транспортёр 5 да ҳаракатланади. Транспортёр даврий ёки узлуксиз ҳаракатланиши мумкин. Елим аппаратлари, транспортёрнинг ҳаракат принципига боғлиқ ҳолда, турли жойларга ўрнатилиши мумкин: транспортёр даврий ҳаракатланганда елим аппарати бЪ ҳолатга ўрнатилади, узлуксиз ҳаракатида эса б ёки 6" ҳолатга ўрнатилган. Сиқиши бўлими 7 да ёпишмалар сиқилади. Тайёр ёпишмалар транспортёр 8 орқали автоматдан чиқарилади.



Расм 1. Елимлаш автоматининг принципиал шакли

**Елим аппаратлари.** Замонавий елимлаш автоматларида дафтар, форзатс ёки расмларга елим тасмаси суртиш учун елим суртuvчи дискли елим аппаратларидан фойдаланилади. Диск автомат тузилишига боғлиқ ҳолда вертикал ёки горизонтал текисликда жойлашиши мумкин.



Расм 2. Елим аппаратларининг технологик шакллари

Расм 2, а да горизонтал жойлашган дискли елим аппаратининг шакли келтирилган. Цилиндрик резервуар 1 да елим Й (латексли ёки ПВА дисперсияси) солинган бўлиб, у кучли ёпишқоқликка эга ва иш жараёнида қиздириш талаб қилмайди. Резервуарнинг тагида тешик 2 мавжуд бўлиб, у орқали елим узлуксиз айланиб турувчи диск 3 га қуйилиб туради. Дискнинг бир оз қиялиги ва

айланиши туфайли елим чеккага томон оқади ҳамда яриммаҳсулот Д нинг ҳаракатланиши вақтида унинг корешогига суртилади.

Бундай елим аппаратида резервуарнинг ҳажми катта эмас ҳамда елим дискининг юритмаси мураккаб. Аппаратнинг афзаллик томони шундаки, нафақат форзатс елимлашда, балки дафтарлар ичига ёпишмаларни елимлашда ҳам корешокдан турлича масофа қолдириб елим суртиш мумкин. Бундай турдаги елим аппарати форзатс ёки расмларнинг ҳаракатланиш йўлида самонакладлар дўконлари орасида жойлашади.

Вертикал дискли елим аппарати (расм 2, б) фақатгина дафтарларнинг ташқи томонига қўшимча элементларни елимлаш учун қўлланилади. Бу ҳолда елим ваннаси 1 га елим солинади, елим диски 2 эса ваннада чўмилади. Диск тўхтовсиз айланади. Мослаштирилган форзатс Ф ва дафтар Д вертикал жойлашган валиклар 3 ва 4 да ҳаракатлантирилади. Махсус пластина (расмда кўрсатилмаган) дафтарга елим тасмасини суртиш мумкин бўлиши учун форзатсни дафтар корешогидан четга букади. Яриммаҳсулотларнинг ҳаракатланиши вақтида диск дафтар корешогига елим суртади. Дискнинг айланиш ўки бир оз қия қилинган. Елим суртиш жараёнида дафтарнинг корешок қисми таянч 5 билан ушлаб турилади. Бундай елим аппарати дўконлардан сўнг мослашган яриммаҳсулотларнинг ҳаракатланиш йўлида жойлашади ва узлуксиз ҳаракатли ускуналарда қўлланилади. Елим аппаратининг тузилиши мураккаб эмас.


Даврий ҳаракатли ускуналарда, илгари, илгарилама-қайтма ҳаракат қилувчи елим суртувчи планкали елим аппарати қўлланилган. Унинг тузилиши мураккаб, бунинг устига ускунанинг тезлигини чегаралар эди. Замонавий автоматларда бундай аппаратлар қўлланилмайди.

Сўнгги вактларда берк циркулясион елим тизимлари яратилди. Уларда суюқ елимлар қўлланилади. Елим резервуардан насос ёрдамида тешикларга эга елим суртувчи трубкага узатилади, у орқали елим ҳаракатланаётган яриммаҳсулотга суртилади.

**Самонакладлар.** Елимлаш автоматларида уч турдаги самонакладлар қўлланилади: қисқичли, фрикцион ва ротасион.

Самонаклад яриммаҳсулотлар жойлашадиган дўкондан, тахлмдан навбатдаги яриммаҳсулот ажратиладиган сўрғичлардан, яриммаҳсулотни дўкондан чиқариш ва уни транспортёрга йўналтириш қурилмаларидан ташкил топади.

Қисқичли турдаги самонакладлар кенг тарқалган (расм 3, а). Дўкон 1 да яриммаҳсулотлар 2 корешоги пастга қилиб ўрнатилади ва бурчак 3 да сиқиб қўйилади. Дўконнинг олд девори 4 даги тирқиши орқали сўрғичлар 5 навбатдаги дафтарнинг (форзатс ёки расмнинг) корешогини букади. Шундан сўнг чайқалувчи қисқичлар 6 дафтари букилган корешогидан ушлаб олади ва уни стол 7 га ўтказади. У ерда транспортёр мавжуд. Бундай самонаклад мураккаб, даврий ҳаракатланувчи кинематик тизимга эга. Бу эса автоматнинг иш тезлигини чегаралайди.



Расм 3. Самонакладларнинг технологик шакллари

Фрикцион самонакладнинг тузилиши анча содда (расм 3, б). Даврий харакатланувчи транспортёр 1 дўконнинг таги вазифасини бажаради. Дафтарлар 2 транспортёрга корешоги пастга қилиб жойланади. Сўрғичлар 3 навбатдаги дафтар корешогини шундай букадики, у узлуксиз айланиб турувчироликлар 4 га тегади. Шундан сўнг корешокка даврий чайқалувчи ролик 5 сиқилади ва ҳосил бўладиган ишқаланиш ҳисобига дафтар дўкрндан чиқарилади ҳамда мослама 6 га узатилади. У ердан эса транспортёр ёрдамида харакатлантирилади.

Бундай самонакладнинг камчилиги шундаки, дафтарларнинг роликларда сирпаниши натижасида янги босилган нусхаларда бўёқ суркалиши мумкин.

Баъзи автоматларда ротасион турдаги самонакладлар қўлланилади (расм 3, в). Бу ҳолда дўкон 1 тагига яриммаҳсулотлар 2 вертикал тахлам қилиб корешок қисми олд девор 3 га тақаб жойланади. Қуйи дафтар корешоги сўрғичлар 4 да букилади ва тўхтовсиз айланувчи цилиндр 6 клапанлари 5 да ушлаб олинади. Шундай қилиб дафтар дўкондан чиқарилади ва транспортёр 7 га узатилади, у эса дафтарни ускунна столи 8 га йўналтиради. Цилиндрнинг бир марта айланишида дўкондан навбати билан иккита дафтар чиқарилади. Дафтарларни бундай чиқаришнинг асосий афзаллиги – катта тезликда ишлаш мумкинлигидир, чунки юзага келадиган инерсион кучланишлар катта эмас. Камчилиги эса – дафтарни ишончли ушлаб олмаслик, бу эса ускунанинг тез-тез тўхташига олиб келади.

**Ёрдамчи қурилмалар.** Автоматда яриммаҳсулотлар туртгичлар маҳкамланган занжирли транспортёrlар ёрдамида харакатланади. Елимлашдан сўнг яриммаҳсулотларни сиқиши вертикал ёки қия айланиш ўқига эга роликлар ёки валиклар тизими орқали амалга оширилади. Қабул қурилмалари ўртacha ҳажмга эга оддий столлар кўринишида тайёрланган. Автоматлар ҳимоя қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, улар яриммаҳсулотлар тиқилиб қолганда ёки яриммаҳсулот узатилмагандан ускунани ва елим аппаратини тўхтатади.


### Елимлаш автоматларининг асосий моделлари

Босмахоналарда *БЛА*, шунингдек, «Колбус» (Германия) ва «Хунклер» (Швейцария) каби хорижий фирмаларнинг елимлаш автоматлари кенг тарқалган. Форзатс ва расмларни дафтарларнинг ташқи томонига елимлар ва ўраш учун *ТП-320* моделидаги ускуналардан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

**БЛА елимлаш автомати.** Бу автомат сикли ҳаракат принципига эга бўлиб, унда яриммаҳсулотлар даврий равишда ҳаракатланади. Ўнг дўкон 2 га (расм 1) дафтарлар, чап дўкон 1 га эса форзас ёки расмлар жойланади. Қисқичли турдаги самонаклад 3 ва 4 орқали бир вақтнинг ўзида қия столга транспортёр 5 ёрдамида

форзатс ва дафтар узатилади. Ҳар бир дафтар олдинги кинематик даврда чиқарилган форзатс билан елимланади. Транспортёр иккита таянчли илгарилама-қайтма ҳаракат қилувчи каретка кўринишида тайёрланган. Таянчлардан бири форзатсни дўкон 2 га силжитади, иккинчиси эса тайёр ёпишмани қабул қурилмаси 8 га чиқаради. Елим аппарати 6 дафтарлар дўкони тагида жойлашган. Узатилган форзатс корешогига елим планкаси ёрдамида елим тасмаси суртилади. Навбатдаги сиклда форзатсга дафтар узатилади ва форзатсга босилади. Елимланган яриммаҳсулотлар қабул қурилмаси 8 га чиқарилади.

Автоматда ҳимоя қурилмалари мавжуд бўлиб, улар елимлаш жойида форзатс бўлмагандан ёки яриммаҳсулот тиқилиб қолганда автоматни тўхтатади.



Расм 4. *BK-350* елимлаш автоматининг технологик шакли

Автоматнинг ишлаш шаклидан кўриниб турибдики, яриммаҳсулотлар даврий равишда ҳаракатланади, текислаш ва елимлаш бўйича барча ишлар бита ҳолатда бажарилади. Бу *БЛА* автоматининг асосий камчилиги бўлиб, у туфайли ускунанинг иш тезлиги чегараланади ва ишончлилиги камаяди.

**BK-350 елимлаш автомати.** Бу универсал автомат Швейсариянинг «Хунклер» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилади. Бу ускунада форзатс ва расмларни дафтарларнинг ташқи томонига елимлашдан ташқари дафтарларнинг ичига ҳам ички ёпишмаларни елимлаш мумкин. *BEA-400* ва *BEA-520* автоматларида янада мураккаброқ елимлашларни амалга ошириш мумкин. Янги автоматлар берк циркулясион елим тизими билан жиҳозланган.


Расм 4 да *BK-350* автоматининг соддалаштирилган технологик шакли келтирилган. Дўконлар 1 ва 2 дан дафтар ва форзатслар тебранувчи қисқичлар орқали узатилади, дўконларга эса горизонтал тўплам қилиб жойланади: чап дўконга – форзатслар, ўнг дўконга – дафтарлар. Қуйи дафтарлар (форзатслар) кия стол 4 га чиқарилади. Яриммаҳсулотлар стол бўйлаб занжирли транспортёр б нинг поводкалари 5 ёрдамида ҳаракатланади. Елим дўконлар орасида жойлашган дискли елим аппарати 3 ёрдамида форзатсларга суртилади. Диск горизонтал текисликда айланади. Яриммаҳсулотлар турли йўналтирувчилар бўйлаб ҳаракатланади, бу эса керакли ташлам ҳосил қилиш имконини беради. Бу автоматда ташламнинг максимал катталиги – 8 мм. Елимланган яриммаҳсулотлар валиклар 7 ва роликлар 8 да сиқилади ва қабул столи 9 га чиқарилади.

Дафтарнинг ичига расмларни жойлаш ёки елимлаш учун вакуум қурилмаси 10 ва 11 ишга туширилади. У ёрдамида дафтар Д дўкон 2 дан чиқарилгандан сўнг очилади. Очилган дафтарга занжирли транспортёр поводкаси ёрдамида расм киритилади. Шундан сўнг дафтар ёпилади ва сиқиш бўлимига узатилади. Расм елим ёрдамида елимланиши мумкин. Автоматда ҳимоя қурилмалари ва тайёр

маҳсулотни ҳисобловчи қурилмалар мавжуд. Иш тезлиги босқичсиз-механик вариаторда созланади.

**ТП-320 елимлаш автоматлари.** Бундай ускуна-автоматларнинг бешта модели мавжуд: ТП-320-1 форзатс ва расмларни дафтарнинг ташқи томонига елимлаш учун, ТП-320-2 дафтарларнинг ичига ёпишмаларни елимлаш учун, ТП-320-3 ўраш учун, ТП-320-4 елимлаш ва ўраш ҳамда ТП-320-5 устига ва ичига елимлаш ҳамда ўраш учун.

ТП-320-4 автоматининг тузилиш принципи расм 5 да келтирилган.



Расм 5. ТП-320-4 автоматининг технологик шакли

Дафтарлар Д ва форзатслар Ф дўконлар 1 ва 2 дан даврий равишда қисқичли самонакладлар ёрдамида қия стол 4 га чиқарилади. Транспортёр 5 туртгичлари форзатсларни (дафтарларни) елим аппарати 3 зонасига йўналтиради, у ерда ҳаракатланиш вақтида корешокка елим суртилади. Шундан сўнг форзатслар дафтарлар билан мослаштирилади, кейин эса ёпишмалар роликлар 6 да сиқилади ва ўраш бўлимига йўналтирилади. Ўраш материали ЎМ тасмани чайқалувчи ролик 13 орқали узатувчи барабан 12 га сиқилиши натижасида вакуумли барабан 7 га узатилади. Ролик муштча 16 ҳисобига чайқалади. Тўхтаб туриш вақтида ўраш тасмаси вакуумли барабандга сирпанади. Ҳаракатланиш вақтида ўраш материали тасмаси елим аппарати 11 дан ўтади, у ерда унга елим қатлами суртилади. Ролик 9 дан кейин тасма елим томони юқорига бўлиб буралади ва вакуумли барабанга узатилади. Керакли узунликдаги ўраш материал тасмаси вакуумли барабанга маҳкамланган пичноқ 18 ёрдамида қирқилади. Пичноқ қўзғалмас муштча 17 орқали бошқарилади. Ўраш материали барабан 8 ёрдамида ёпишмага босилади. Кейин эса ёпишма сиқиши роликлари 15 га тушади. Роликлар тагида йўналтирувчи планка 10 мавжуд бўлиб, у ёрдамида ўраш материали ёпишманинг бошқа томонига букилади. Сиқишдан сўнг ёпишма қабул қурилмаси 14 га чиқарилади.


ТП-320-1 автоматида ўраш бўлими мавжуд эмас, ТП-320-2 автомати эса форзатсга (дафтарга) елим суртиш учун елим аппаратига эга бўлмайди ва ёпишмалар учун фақатгина бита дўкон билан жиҳозланган.

### Ўраш автомати

Баъзи йирик корхоналарда ўраш ускуна-автоматлари ва яримавтоматлари қўлланиллади. Уларда ўраш материали узунасига узатилади. Материални бундай

узатиш иккита камчиликка эга: ўраш материали бобинасининг тез тугаши ва унинг ортиқча сарфланиши. Лекин ўраш материалини бундай узатадиган ускуналарнинг тузилиши сода ва юқори унумдорликка эга бўлади. Улар узлуксиз оқим тизимида ишлади.

Расм 6 да ўраш автоматларидан бирининг шакли келтирилган. Форзатслар елимланган дафтарлар 1 қия дўкон 13 га жойланади. Навбатдаги қуйи дафтарни чиқарувчи узлуксиз айланувчи резина роликлар 12 дўконнинг таги вазифасини бажаради. Дафтар узлуксиз айланувчи транспортёрлар тасмалари 2, 15 орасига тушади ва улар билан биргаликда харакатланади.



Расм 6. Ўраш автоматининг технологик шакли

Ўраш материали тасмаси бобина 3 дан ўралади, тирқишли турдаги елим аппарати 4 дан ўтади ва прикатловчи ролик 5 ёрдамида дафтар корешогига босилади. Воронкалар 6 тасмани эни бўйича букади ва уни дафтарларнинг ён томонига елимлайди. Бундан ташқари, тасма корешокка роликлар 7, 14 ва диск 8 ёрдамида ҳам сиқилади. Ўраш материали пичоқ 9 ёрдамида кетма-кет дафтарларлар орасида қирқилади. Ўралган дафтарлар валиклар 10 ёрдамида қабул столи 11 га чиқарилади. Усунага битта ишчи хизмат кўрсатади.

Яримавтоматларда форзатс елимланган дафтарлар транспортёр 2 ва 15 га қўлда узатилади.

Автоматларда дафтарларнинг ҳаракатланиш тезлиги – 12-18м/дақиқа, бу эса ҳар дақиқада 80 та ўртacha ўлчамли дафтарларни ўраш унумдорлигига мос келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**


- Полянский Н.И. «Основы полиграфического производства». Раздел «Спецциальные виды печати». Книга 1991, - 128 б.
- Уве Бауфельд ва бошқалар. Передача информации и печать. М., Изд-во МГУП «Мир книги», 1998, - 184 б..
- Гелмут Киппхан. Энциклопедия по печатным средствам информации. М., «Мир книги», 2003, - 314 б.

### **3-Мавзу. Йиғиш ускуналари. йиғиш ускуналарининг моҳияти, турлари ва қўллаш доираси**

**Режа:**

1. Йиғиш ускуналарининг турлари ва тузилиши.
2. Йиғиш ускуналарининг асосий механизмлари.

Кўпчилик йиғиш ускуналари горизонтал-чизиқли тузилиш принципига эга, бу ускунага хизмат қўрсатиш қулайлиги билан тушунтирилади. Бошқача шакл (вертикал, карусели ва б.) бўйича тузилган ускуналар ишлаш ва таъмирлашда нокулай. Шунинг учун босмахоналарда фақат чизиқли тизимдаги ускуналардан фойдаланилади.



Расм 1. Йиғиш ускунасининг шакли

Ускуналар қатор дўконлардан Д тузилган бўлиб (расм 1), дўконларга дафтарлар тахламда йифиладиган кетма-кетликда вертикал тўплам қилиб жойланади. Ҳар бир дўкон яқинида чиқариш қурилмаси А мавжуд бўлиб, у дўкондан дафтарни йиғиш транспортёри Т га чиқаради: дафтарлар барча дўконлардан бир вактда чиқарилади ва столга ўтказилади. Транспортёр тўхтовсиз харакат қиласи. Транспортёр бармоқлари тахламга йифиладиган дафтарларни навбати билан туртади ва қабулга К узатади.


Тузилишига боғлиқ ҳолда ускунада бир ёки иккита қабул қилиш қурилмаси бўлиши мумкин. Бу тахламларни галма-гал чап ва ўнг қабул қурилмаларига чиқариш имконини беради, натижада йиғиш ускунасининг технологик имкониятлари кенгаяди.

Дўкондан сўргичлар ёрдамида, одатда, қуйи дафтар ажратилади ва чиқариш қурилмаси орқали транспортерга узатилади. Дўкон чиқариш қурилмаси билан бирга битта йиғиш станциясини, бир неча станциялар эса бўлимни ташкил қиласи. Кўп ҳолларда бўлимда олтига йиғиш станцияси мавжуд бўлади. Одатда, йиғиш ускунасининг асосини умумий юритма, қабул қурилмаси ва иккита йиғиш бўлимидан ташкил топадиган асосий қисм ҳосил қиласи. Йиғиш станциялари сони матбаа корхонасининг эҳтиёжига боғлиқ ҳолда 12 дан 30 гача бўлиши мумкин (баъзи ҳолларда 36 тагача бўлиши мумкин).

Йифиладиган тахламлар ҳажми ва йиғиш станциялари сонига боғлиқ ҳолда дўконлардаги дафтарларнинг жойлашуви турлича бўлиши мумкин.

Энг содда ва кўп қўлланиладиган жойлашиш расм 2 а, в, д да кўрсатилган. Бу ҳолда тахламдаги дафтарлар сони У ускунада мавжуд йиғиш станциялари ярмидан кўп бўлади Р ( $U > P/2$ ). Дафтарлар тартиб билан дўконларга жойланади, бўш қолган йиғиш станциялари ўчириб қўйилади. Бир сиклда битта тахлам йифилади. Агар ускунада иккита қабул қурилмаси мавжуд бўлса (расм 2 в),

тахламлар галма-гал ҳар икки қабул қурилмасига чиқарилиши мумкин. Ускунада симда тикиш бўлими Д мавжуд бўлса (расм 2, д), йигилган тахлам иккита сим елкасида устма-уст тикилиши мумкин.



Расм 2. Бир ва иккита қабул қурилмасига эга ускуналарда дафтарнинг жойлашиши шакли

Агар йигиладиган дафтарлар сони йифиш станциялари сонидан икки марта кам, яъни  $Y < P/2$  бўлса, бу ҳолда ускунани расм 2, б, г, е вариант бўйича ишлатиш ва битта прогонда иккита тахлам йифиш мумкин. б вариант бўйича дўконга битта тахлам дафтарлари, кейин эса иккинчи тахлам дафтарлари жойланади. г ва е вариантылар бўйича йифиш транспортерининг тезлиги икки марта ошади. Агар иккита қабул қурилмаси мавжуд бўлса, йигилган тахламлар қабул қурилмаларига галма-гал чиқарилади.

Бу ҳолда бир вақтнинг ўзида икки хил нашрнинг тахламларини йифиш мумкин. Сўнги е вариант симда устма-уст тикилган иккита тахлам беради. Кўпчилик йифиш ускуналарида кенг тарқалган ўлчамлардаги -  $84 \times 108/32$  ва  $84 \times 108/16$ , шунингдек, елимланган форзас, ёпишма ва миндирмаларга эга дафтарлар йигилиши мумкин. Баъзи ускуналар открыткаларни йифиш учун ишлатилади.

Мажбурий тўхтатишлар сони кам бўлгани ҳолда ускунанинг ишончли ишлашини таъминлаш учун дўконларга жойланадиган дафтарларда бусламлар зич ва аниқ ҳамда яхши сиқилган бўлиши керак. Елимланган форзатсларга эга дафтарларда телим яхши қуриган бўлиши керак, акл ҳолда дафтарлар бир-бири билан елимланиб қолиши мумкин. Бу эса чиқариш қурилмасининг ишлашини қийинлаштиради ва ускуна ишлашида тўхташлар бўлишига олиб келиши мумкин.

### **Йифиш ускуналарининг асосий механизмлари**

Йифиш ускунаси қуйидаги асосий механизм ва бўғинлардан ташкил топади: юритма, йифиш транспортёри, чиқариш қурилмаси, қабул ва ҳимоя қурилмалари.

Барча йиғиш ускуналари автоматлар ҳисобланиб, улар дафтарларни йиғиш технологик жараёнини кузатадиган ҳимоя қурилмалари билан жиҳозланган. Дафтар узатилмаган ёки бир вактда иккита дафтар узатилған ҳолда ускуна ҳар бир йиғиш станцияларида мавжуд ҳимоя қурилмаларидан бири ёрдамида тұхтатилади. Ускуна тұхтаганда носозлик содир бўлган станциядан сигнал берилади.

Ускунада, технологик ҳимоя қурилмаларидан ташқари, ҳавфсиз ишлашни таъминлаш қурилмалари ҳам мавжуд. Сақлаш қурилмалари очиқ ҳолда бўлса ускунани ишга тушириб бўлмайди. Йиғиш транспортери занжирли ёки берк металл тасмадан ташкил топиши мумкин. Занжир ёки тасмада таянчлар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида дафтарлар стол бўйлаб ҳаракатланади.

**Чиқариш қурилмалари** (расм 3). Йиғиш ускуналаридағи кўпчилик носозликлар чиқариш қурилмалари туфайли содир бўлади.


Транспортёр ёки қабул қурилмаси туфайли содир бўладиган ишдаги узилишлар нисбатан камроқ содир бўлади. Шунинг учун йиғиш ускуналарининг чиқариш қурилмалари турли принципиал шаклларда тузилиб, улардан ҳар бири маълум афзаллик ва камчиликларга эга бўлади. Дўконлар М, ушлаб турувчи илмоклар К ва сўрғичлар П барча чиқариш қурилмалари учун умумий ҳисобланади, дафтарни дўкондан чиқариш принципи эса фарқли хусусият ҳисобланади.

600 тагача дафтар жойланадиган дўконларнинг тузилиши содда бўлади. Улар тўртта ён бурчаклар ва таглиқдан иборат. Бурчаклар орасидаги масофа тахламга йиғиладиган дафтарлар ўлчамига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Дафтарларни жойлаш ва чиқаришни қулайлаштириш учун дўконлар йиғиш транспортери томонга маълум бурчак остида қия қилиб жойланади.

Илмоклар бир вактда иккита дафтар чиқарилиши имкониятини камайтирган ҳолда дафтарларни тахламда ушлаб туради.

Чиқариш қурилмаларининг масъулиятли элементи сўрғичлар бўлиб, улар пастки дафтарлар корешогини букиб бериш вазифасини бажаради. Сўрғичларнинг аниқ ишлаши асосан резина насадкаларнинг сифатига боғлиқ. Агар чиқариш қурилмаларининг носозлиги туфайли ускунанинг тўхташлар сонини 100% деб олсақ, 15% тўхташ айнан сифатсиз резина насадкалар туфайли содир бўлади.

Чиқариш қурилмаларини тузилиши бўйича қисқичли, ротасион ва фрикцион турларга бўлиш мумкин. Плакат ва бошқа варакли маҳсулотларни йиғиш учун босма ускуналари пневматик самонакладлари принципи бўйича тузилган варакларни устидан чиқариш қурилмаларидан фойдаланилади. Бироқ вараклар устидан йиғилганда йиғиш ускунасининг унумдорлиги пасаяди, чунки ускуна ишлаётган вактда дўконни вараклар билан тўлдириш имкони бўлмайди. Йиғиш ускуналарида қисқичли ва ротасион турдаги чиқариш қурилмалари кенг қўлланилади.



Расм 3. Йиғиш ускуналари чиқариш қурилмаларининг технологик шакли

Тебранувчи қисқичлар К (расм 3, а) ҳар бир дўконнинг қаршисида умумий горизонтал валда жойлашган. Улар вал О билан биргалиқда тебранма ҳаракат қиласди. Энг чап ҳолатга келганда қисқичлар сўрғичлар С томонидан букилган пастки дафтарнинг корешогидан сиқиб олади ва уни дўкон Д дан чиқаради. Энг ўнг ҳолатда қисқичлар очилади ва дафтарни йиғиш транспортерига беради.

Бундай чиқариш қурилмасининг камчилигига иш тезлигининг чегараланганлиги киради чунки қисқич механизмида сезиларли инерция юкланишлари юзага келиб, улар титраш ва синишларга сабаб бўлиши мумкин.

Дафтарлар илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи қисқичларда дўкондан анча қулай траектория бўйича чиқарилади (расм 3, б). Бундай қисқичларнинг механизми ихчам ва вазни камроқ. Бу катта тезликда ишлаш имкониятини яратади.


Қисқичли чиқариш қурилмаларининг афзаллиги - дафтарни ишончли сиқиб олиш ва чиқариш; дафтар қисқич тўхтаган вақтида карешогидан сиқиб олинади, кейин эса унинг ҳаракат тезлиги ўсиб боради.

Ротасион чияриш қурилмалари (расм 3,в) клапанлардан Кл ташкил топиб, улар цилиндр С ясовчиси буйлаб жойлашган. Цилиндр тўхтовсиз айланади ва клапанлар дафтарларнинг букилган корешокларидан сиқиб олади ва дўконга чиқаради. Бу тизимда инерсион юкланишлар катта эмас, шунинг учун иш тезлиги юқори бўлиши мумкин. Бироқ, бундай чиқариш қурилмалари катта тезликда ишлаганда дафтарларни ишончли сиқиб олмайди, натижада ускуна кўп тўхтайди ва унинг ишончлилиги камаяди. Шу камчилигини бартараф этиш учун баъзи ускуналарда клапанли цилиндр ўзгарувчан тезликда айланади. Сиқиб олиш вақтида цилиндр айланиш тезлигини секинлаштиради.

Йиғиш ускуналарида фрикцион турдаги чиқариш қурилмалари кам қўлланилади (расм 3, г). Бу усулда дафтарлар тўхтовсиз айланувчи чиқариш цилиндри С ва фрикцион ролик Ф орасида юзага келадиган ишқаланиш кучи ҳисобига чиқарилади. Уларнинг орасига сўрғичларда букилган пастки дафтарнинг корешок қисми тушиб қолади. Бу тизимнинг афзалликлари – тузилишининг соддалиги ва юқори тезликда ишлаш имконини, камчилиги – дўкондан дафтарларнинг силтаниши ва роликлар ифлосланганда қофозга

суркалиши; дафтарларнинг роликларга нисбатан сирпаниши ҳам нусхаларнинг суркалишига олиб келиши мумкин.


Расм 4 да илгариlama-қайтма ҳаракатланувчи қисқичлар юритмаси механизмининг соддалаштирилган кинематик шакли келтирилган. Қисқичлар ўзаро шарнир  $O_1$  билан боғланган устки 14 ва пастки 16 лаблардан ташкил топган. Лаблар бир-бирига сиқилиш пружинаси 13 ёрдамида сиқилади, ускунанинг асосий вали О да жойлашган муштча 1 ёрдамида эса бир-биридан узоклашади. Муштча ролик ва ричаг 5 орқали йўналтирувчи 6 ни кўтаради ёки туширади. Йўналтирувчидаги пастки лабга маҳкамланган ролик 17 мавжуд. Йўналтирувчидаги 6 кўтарилганда лаблар очилади, пасайганда эса ёпилади. Қисқичлар илгариlama-қайтма ҳаракатни ускунанинг асосий валига маҳкамланган кпивошиб 2 дан олади. Ричаг 7 орқали коромисло 8 тебранади ва устки лабга илгариlama-қайтма ҳаракат беради. Лаб ползун 10 ва ролик 12 билан боғланган бўлиб, улар йўналтирувчилар 9 ва 11 бўйлаб силжийди, Пружина 3 роликнинг муштча билан кучли туташувини, пружина 4 эса механизмнинг чекка ҳолатларда тўғри тўхташини таминлайди.



Расм 4. Қисқичлар механизмининг кинематик шакли

Қисқичларнинг устки лабида электрли ҳимоя қурилмаларининг иккита созловчи винтлари 5 мавжуд бўлиб, улар дафтар сиқиб олинмаганлигини ёки иккита дафтар сиқиб олинганлигини назорат қиласиди. Дафтар сиқиб олинмагандаги лаблар пружина ёрдамида дафтар қалинлигига нисбатан кўпроқ сиқилади, контакт қисқа туташади ва ускуна тўхтайди. Агар лаблар дафтар қалинлигига нисбатан каттароқ очилиб сиқиб олса, бошқа контакт қисқа туташади. Йифиладиган дафтарларнинг қалинлиги ўзгарганда бу винтларни созлаб қўйиш керак.

**Қабул қурилмаси механизми** (расм 5). Қабул столи Б га йифилган тахламлар стол А дан тебранма ҳаракат қилувчи гребенка 6 орқали узатилади. Тахламлар йифиши транспортеридан стол А га илгариlama-қайтма ҳаракатланувчи каретка ёрдамида силжийди. Ускунанинг асосий валида жойлашган муштча 1 ролик 4, ричаг 3 ва тяга 5 орқали гребенкага тебранма ҳаракат узатади. Пружина а муштча ва роликни туташтиради.



Расм 5. Қабул қурилмасининг кинематик шакли

Гребенка қуи ҳолатга кетганида тахламлар тушиб кетмаслиги учун ушлаб турувчи бармоқ механизми мавжуд. Гребенка тахлам билан қабул столига яқинлашганда ушлаб турувчи бармоқ 7 пасаяди ва гребенкани таҳламбилинг бирга ўтказиб юборади. Тахламлар пачкаси Г бурчак Бу билан бирга гребенканинг босими таъсирида битта тахлам қалинлигига силжийди. Шундан сўнг ушлаб турувчи бармоқлар кўтарилади, гребенка эса ўзининг бошланғич қуи ҳолатига қайтади. Муштча 2 ролик 10 ва ричаглар 8 ва 9 орқали ушлаб турувчи бармоқларнинг кўтарилиши ва пасайишини бошқаради. Пружина б ёрдамида механизмнинг туташуви амалга оширилади.

Ускунада текислаш механизм хам мавжуд бўлиб, у ҳар бир навбатдаги тахламни аввалисига нисбатан корешок бўйлаб 20-30 мм га силжитади. Бу тахламларни қабулида осон ажратиш имконини яратади. Йиғишнинг тўғрилигини сигнатура бўйича визуал назорат қилиш учун тахлам корешоги юқорига қилиб чиқарилади.

### **881 ва 882 йиғиш ускуналари**

Республикамиз матбаа корхоналарида китоб маҳсулотлари ва ҳажмли журналларни, шунингдек открыткаларни йиғиш учун 881 ва 882 йиғиш ускуналари ишлатилади.

881 ва 882 ускуналари бир-биридан ўлчами ва механизмларининг тузилишидаги озгина ўзгариш билан фарқланади. 881 ускунасида йиғиладиган дафтарларнинг энг катта ўлчами  $24 \times 31$  см, 882 ускунасида  $-28 \times 41$  см. Уларда олтига йиғиш станцияси мавжуд бўлиб, 12, 18, 24 ва 30 та йиғиш станция билан ҳам чиқарилиши мумкин. Ускунанинг иш тезлиги понасимон камарли вариатор ёрдамида 30 дан 100 сикл/дақиқагача чегарада созланиши мумкин. Ускунада иккита электродвигатель мавжуд: бири пневмотизим учун, иккинчиси ускуна юритмаси учун, у электромагнит муфта орқали ишга туширилади.

Йиғиш ускунаси горизонтал жойлашган бир қатор дўконлардан ташкил топади. Пастки дафтарлар дўконлардан йиғиш транспортёрига қисқичлари илгарилама-қайтма ҳаракат қиласидиган қисқичли турдаги чиқариш қурилмаси ёрдамида чиқарилади. Дўконларнинг ён чеккалари марказлаштирилган созлаш тизимиға эга. Бу бошқа ўлчамга ўтишда ускунани созлаш вақтини қисқартиради. Ускунада химоя қурилмалари мавжуд. Ускунани бошқариш пультида ускунани электр тармоғига улаш, электродвигателни ўчириш ва ёкиш, шунингдек ускунани ўчириш ва ёкиш тугмачалари мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир йиғиш бўлими яқинида «Пуск» ва «Стоп» тугмачалари бор. Ускуна бошқарув пультида йиғилган тахламлар ҳисоблагиҳи мавжуд.

Хозирги вақтда йиғиш ускуналари иккита қабул қурилмаси, шунингдек, симда тикиш бўлими билан чиқарилади. Иккита қабул қурилмасига эга ускунанинг иш тезлиги 140 сикл/дақиқага етади, симда тикиш бўлими билан эса 60 сикл/дақиқа.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Полянский Н.И. «Основы полиграфического производства». Раздел «Специальные виды печати». Книга 1991, - 128 б.
2. Уве Бауфельд ва бошқалар. Передача информатсии и печать. М., Изд-во МГУП «Мир книги», 1998, - 184 б..
3. Гелмут Кипхан. Энциклопедия по печатным средствам информатсии. М., «Мир книги», 2003, - 314 б.


#### **4-Мавзу. Ип билан тиқувчи ускуналар. Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни**

**Режа:**

1. Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни ҳақида умумий маълумотлар
2. Ипда тикиш ускуналари тузилиши ва ишлашининг умумий принциплари
3. Ипда тикиш автоматлари

#### **Тахлам корешогини ипда маҳкамлаш жараёни ҳақида умумий маълумотлар**

Тахламни ипда маҳкамлаш усули энг қдимги технология ҳисобланади. *Бреҳмер* (Германия) заводида ипда тикиш ускуналарини тайёрлаш 1884 йилда бошланган. Табиийки, ускуналарнинг тузилиши юз йилдан ортиқроқ вақт давомида дафтар корешогини ипда тики шва уни тахламга келтириш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган сезиларли ўзгаришларга учради: замонавий ускуналарнинг иш тезлиги тахминан 19 марта юқори.



Расм 1. Оддий рисолали қатмнинг ҳосил бўлиш шакли

Бироқ қатм ҳосил қилиш технологияси асоси деярли ўзгармади ва ҳозирга қадар китоб тахлами корешогини энг мустаҳкам ва энг сифатли маҳкамлашни таъминлаяпти. Бу нуқтаи назардан сўнги ўн йилликда шиддатли ривожланаётган тикмасдан маҳкамлаш 100 йиллик ўтмишга эга технологиянинг муқобил саналмайди.

Расм 1 да оддий рисолали қатмнинг ҳосил бўлиш шакли келтирилган. Тикиш жараёнида дафтар очилган (В га ўхшаш шакл касб этади) ва корешоги юқорига бўлиб жойлашади. Игналар Д пастдан юқорига ҳаракат қилиб дафтар букламини тешади. Ҳосил бўлган тешикка ип олиб юрувчи игна А ва илмоқ киради. Ип ўтказувчи В (шибер) петляни ушлаб олади ва игнадан илмоққа томон ҳаракатланиб, ипни илмоққа етказади. Шундан сўнг шибер чайқалувчан ҳаракат қилиб, петляни илмоқнинг учига илади. кейин игна ва илмоқлар маҳкамланган аравача (каретка) кўтарилади ва тикиш жиҳозларини дафтар букламидан чиқаради. Шибер ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади, илмоқ эса ўзининг вертикал ўқи атрофида айланади. Бу нарса ипнинг илмоқдан сирпаниб кетмаслиги учун керак. Шундай қилиб букламнинг ички томонида дафтардаги варақларни маҳкамловчи қатм Е ҳосил бўлади. Тикилган дафтар ўрнига

навбатдагиси келади ва бутун жараён такрорланади. Натижада дафтарлар бир-бири билан «чизиқли» қатмда тикилади.

## Ипда тикиш ускуналари тузилиши ва ишлашининг умумий принциплари

### **Φ 140** ипда тикиш ярим автомати


Асосий техник ҳолатлар: тикиш бўлими (расм 3), ҳаракатсиз эгарсимон стол, дафтарлар учун стол, қабул қилиш (расм 4). Текис столга тахламдаги вараклар кетма-кет тартибда йиғилган дафтарлар тахлами жойлаштирилади. Тахламдан қўлда битта дафтар ажралиб олинади, ўртасидан очилади ва ускунанинг В-симон ҳаракатсиз столига кийдирилади. Занжирли транспортёр ёрдамида дафтар алоҳида юритмадан ишловчи туртувчи роликларгача олиб борилади. Занжирли транспортёр туртувчи ролик остида дафтарнинг тикилиб қолиши ҳолатида юзага келадиган занжирнинг юкланиб кетишини олдини олиш қрилмаси билан жиҳозланган. Занжирнинг узлуксиз айланиши туфайли бу жойда бир неча дафтар йиғилиб қолиши мумкин.



Расм 2. *Φ 140* яримавтоматининг умумий кўриниши


Айланма ҳаракатдан ташқари ролик юқоридан пастга чайқалма (тебранма) ҳаракат ҳам қиласи. Дафтар ролик остида бўлган ҳолатда ролик пасаяди ва уни пастки ролика енгилгина сиқади. Айланма ҳаракат билан роликлар дафтарни В-симон шаклга эга чайқалувчи столга эга туртиб юборади. Ўзининг бошланғич ҳолатида чайқалувчи столнинг ишчи юзаси ҳаракатсиз столнинг юзаси билан бир даражада бўлади. Шунинг учун дафтар бир столдан иккинчисига осон сирпаниб ўтади. Чайқалувчи столда дафтарнинг бош қисми таянч бўйича йўналтирилади. Таянчнинг ҳолати корешок узунлигига мувофиқ созланади. Таянчда дафтарларнинг жойлашиш аниқлиги электрон қрилма ёрдамида назорат қилинади. Чайқалувчи стол дафтарни тикиш ҳолатига олиб келади. Бу ерда юқорида баён қилинган қатм ҳосил бўлиш жараёни амалга ошади.

Бунинг учун чайқалувчи стол ишчи ҳолатида шундай ўрнатилади, унинг юқори қисми тикиш кареткасига ўрнатилган игна ва илмоқларга аниқ қарама-қарши жойлашсин. Дафтар корешогига нечта қатм бўлиши керак бўлса. Шунча жуфт игна-илмоқлар ўрнатилади. Чайқалувчи столда тешувчи игналар сони ҳам шунга мувофиқ ўрнатилади. Тикиш жараёнида ип ғалтаклардан игналарга ип ўтказиш тизими орқали узатилади. У ипнинг тортилиш таранглиги доимий бўлишини таъминлайди.



Расм 3. Тикиш бўлими

Тикиб бўлингандан сўнг дафтар ўзининг қалинлигига тенг бўлган масофага суреб қўйилади. Шундай қилиб қабул столида ипда тикилган китоб тахлами ҳосил бўлади. Ҳар бир тикилган тахлам қабул столи бўйлаб ўзининг қалинлигига тенг масофага суреб қўйилади. Понасимон ён планкаларда вертикал ҳолатда ушлаб туриладиган китоб тахламлари тўплами ҳосил бўлади. Охирги дафтар тикиб бўлингандан сўнг тахламлар орасида «оралиқ» қатм ҳосил бўлади. Унинг иплари қўзғалмас пичоқ ёрдамида қирқилади. Шу билан тахламларнинг бирбиридан ажралиши таъминланади.



Расм 4. Қабул қурилмаси

Ускуна электрон назорат - тўхтатиш тизими билан жиҳозланган бўлиб, у ипнинг узилишини, дафтарнинг чайқалувчи столда жойлашишини, қабул столидаги тахламларнинг ҳолатини, қабул столининг тўлиб кетишини назорат қиласи.

Марказлаштирилган мойлаш тизими ижрочи механизмларнинг юқори ишчанлигини таъминлайди. Мойлаш тизими электрон қурилма орқали бошқарилади. Юритмали ижрочи механизмларда мойлаш материалларининг сарфланиши баробарида у вентилга сигнал юборади, у орқали эса мойловчи механизмларнинг ҳаракатланувчи элементларига улушлаб узатилади. Бундай тизим уларнинг юқори ишончлик даражасида бўлишини таъминлайди.

Ускунани ўчириш ёкиш тугмачали пультдан, керак бўлган ҳолда эса педалдан амалга оширилади. Ижрочи механизмларнинг аниқ ишлаши ускунанинг асосий валига маҳкамланган муштчалар билан таъминланади. Муштчалар нитратланган металл қотишмадан тайёрланган.

Пазаларга мойловчини автоматик узатиш муштчали механизмлар туртгичлари ҳаракатини даврий ҳаракат қонунинга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлайди. Шунга мувофиқ ишчи органлар ўзининг технологик вазифасига мувофиқ аниқ ҳаракат қиласи. Натижада юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга эришилади.

*Ф 140* ускунасининг паспорт бўйича иш тезлиги- 140 кинематик сикл/дақиқа, яъни асосий валнинг бир дақиқада айланиши. Бироқ ускуна-яrimавтоматнинг амалдаги иш-тезлиги 4-5 марта пастроқ. Тезлик очилган

дафтарни қўлда ускунанинг В-симон столига жойлаштирувчи ишчининг имкониятларига боғлиқ бўлади.

Ипда тикиш автоматида паспортли тезликка яқин тезликка эришилади.

### **Ипда тикиш автоматлари**

Стапел столига эга бўлмаган  $\Phi 140$  яримавтомати автоматнинг конструктив блоки сифатида кўрилиши мумкин. Ускунани автоматик бошқариш электрон тизими (*АБТ*) ва дафтарли самонаклад-очиб берувчи билан таъминланган бу конструктив блок автоматга айланади (расм 5).



Расм 5.  $\Phi 140$  автоматининг умумий кўриниши

### **Умумий тавсифнома**

Асосий технологик ишловлар - очилган дафтарни қўзғалмас стол бўйлаб чайқалувчан столга узатиш, қатмлар ҳосил қилиш, тикилган дафтарлардан тахлам ҳосил қилиш, қабул столида тахламлар тўпламини шакллантириш автоматида худди яримавтомат сингари амалга ошади. АБТ ва самонаклад-очиб берувчи яримавтоматга хизмат кўрсатувчи ишчининг вазифасини бўйига олади.

*АБТ* «кузатув» назорат-блоклаш (тўсиб қўйиш) вазифаларини ва «махсус даврий» (*МД*) ишловлар бажарилишининг автоматлаштирилишини уйғунлаштиради. «Махсус даврий» ишловларга тахламнинг иккинчи ва сўнгги дафтари корешокларини елимлаш, бўш қатм ҳосил қилиш ва аралаш тахламлар орасидаги бўш қатм ипларини узиш таалуқли. Ускунанинг бир кинематик даврида (асосий валнинг бир айланиши) битта дафтар тикилади. Агар тахламда Й та дафтар бўлса, тахламни ҳосил қилиш учун Й+1 кинематик давр талаб қилинади, бу ерда «1» - бўш қатм ҳосил қилиш учун кинематик давр.

*АБТ* вазифаларига тахламнинг навбатдаги тикиладиган дафтари тақамини аниқлаш; у ёки бу *МД* ни бажариш учун сигнал бериш (ускунага тахламнинг иккинчи охиргидан битта олдинги ва охирги дафтари келганда) киради.

Яримавтоматларга нисбатан назорат-тўсиб қўйиш вазифаларида қўйидагилар қўшилади: самонаклад дўконида етарли микдорда дафтарлар бўлишини, самонакладнинг ортиқча юкланишини, самонакладдан қўзғалмас В-симон столга дафтарларни алоҳида даврда чиқишини ва бошқаларни назорат қилиши.

Титиши жараёнининг кечишида *МД* «кузатув» вазифаларига айни вақтгача тикилган тахламларни ҳисоблаш, бирор назорат нусхасини ажратиш, исталган вақтдаги иш тезлигини кўрсатиш ва нуқсонлар сабабларини етказиш киради. Шу қаторда, берилган параметрларда энг юқори уунумдорликка эришиш учун ускунани қандай тезликда ишлатиш кераклиги ҳақидаги ахборотни *АБТ* дан олиш мумкин.

Дафтарли самонаклад қуидаги вазифаларни бажаради: түпламдан битта дафтарни ажратиши, барабан-очиб берувчига етказиш жараёнида дафтарни ўртасидан очиш, охирги дафтарни ускунанинг В-симон қўзғалмас столига кийдириш.

$\Phi 140$  ускунаси асосида  $\Phi 145 A$  ва  $\Phi 142 A$  каби маҳsusлаштирилган автоматлар ишлаб чиқарилади. Алоҳида моделлари маҳsusлаштириш кинематикани ва шунга мувофиқ ускунанинг маълум модели тузилишини соддалаштиришга имкон беради. Ускуна ишининг юқори ишончлилиги ва пастроқ нархи шундан келиб чиқади. Фаолияти торроқ корхона учун кенг технологик имкониятларга эга бўлмаса ҳам ўзига мос келадиган ускунани олиш мақсадга ммувофиқ ҳисобланади.


### **$\Phi 145$ ипда тикиш автомати**

$\Phi 145 A$  китоб тахламларини оддий рисолали қатмда тикишга мўлжалланган.  $\Phi 140$  унинг тузилишига асос қилиб олинган. Модомики, оддий рисолали қатмда қатмлар устма-уст жойлашар экан, игнали планкани каретка бўйлаб ҳаракатлантиришга хожат бўлмайди. Шунга мувофиқ бу моделда игнали планка кареткага нисбатан қўзғалмас бўлади. Бундан тикиш кареткаси тузилишининг мустаҳкамлиги келиб чиқади, игнали планканинг битта ҳаракати камаяди, қатмни қайта созлашга хожат бўлмайди. Буларнинг барчаси тикиш аппаратининг анча ишончли ишлашига хизмат қиласи.

Ишнинг умумий принципи  $\Phi 140$  даги билан бир хил.

### **Самонаклад**

Расм 6 да  $\Phi 145 A$ ,  $\Phi 142 A$  ускуналарда ишлатиладиган самонаклад-очиб берувчининг принципиал технологик шакли келтирилган. Бу қурилма ҳам шлейфли, ҳам шлейфсиз дафтарларга ишлов бериши мумкин.



Расм 6. Самонаклад-очиб берувчининг принципиал шакли

Тахламга йигилган дафтарлар дўкон 1 нинг қия столига корешоги пастга қилиб ўрнатилади. Тахламдаги дафтарларлар орасида ҳаво ёстиқчаси ҳосил қилинади. Чайқалувчи қисқичлар 2 сўргич ёрдамида тахламдан олдиндан сўриб қўйилган битта дафтарни корешогидан ушлаб олади ва соат милига қарши ҳаракатланиб ҳаво ёстиқчаси бўйича тахламдан дафтарни чиқариб олади. Қисқичлар штангаси о ҳолатини эгаллагандан кейин (расм 6 га қаранг) қисқичлар очилади ва дафтарлар оралиқ стол 3 га ташланади. Стол бўйлаб қисқичларга эга занжирли транспортёр 4 ҳаракатланади. Дафтар корешоги 5 транспортёрда қисқич томонидан қайд қилинади. Қисқич уни шлейфсиз дафтарларга ишлов

буришда күлланиладиган варақлаш қурилмаси б ға олиб боради. Варакловчи қурилма түрт жуфт роликлар тизимидан иборат. Роликларда сүргичлар жойлаштирилган. Биринчи сүргич дафтарнинг устки варақлари бурчагини ўзига тортганда у айланади ва бурчакни юқорига букади ва шу вақтнинг ўзида дафтарни кейинги жуфт роликларга узатади (расм 7). Бу сүргичлар кейинги варақларни букадилар ва дафтарнинг устки ярми шундай варақланади. Натижада дафтар ўртасидан очилади. Дафтарнинг олд қисми барабан-очиб берувчи 7 га етиб борганда унга маҳкамланган клапан дафтарнинг пастки ярим олд қисмини ушлаб олади. Бу вақтда устки ярим қисми айланувчи сүргичларда кўтарилилган ҳолатда ушлаб турилади. Дафтар корешоги иккинчи жуфт клапанлар билан ушлаб олинади. Шу тарзда, дафтарнинг пастки ярим қисми барабан юзасига маҳкамланган бўлиб қолади, юқоригиси эса марказдан қочма куч ва ҳавонинг қаршилиги таъсирида очилади, дафтар В-симон стол 8 устидан «учиб» ўтаётганида клапанлар дафтарни қўйиб юборади ва у столга тушади.



Расм 7. Варақловчи қурилма

Дафтарнинг устки ярим қисмидаги варақлар сонига боғлиқ ҳолда айланувчи сүргичларнинг турлича жуфт микдори қўшилади. Уларни созлаш тизими буклаш хусусияти ва қоғоз навига таъсирчан бўлади. Ёпик бош қисмда бир жуфт сүргичлар ўрнатилади. Улар варақнинг бурчагини сезиларсиз кўтаради. Дафтарлар қаттиклигининг пасайишига олиб келадиган кучайтирилган перфорасиялашда ёки варақларнинг яхши қуриб улгурмаган бўёқда «елимланиб» қолишда янада ишончли варақлаш учун сүргичларнинг қўшимча ҳаракати таъминланади. Жуда юпқа варақлар тепароқ букилади. Бунда вакуумни дозалаб бериш унинг дафтар бутун қалинлигига сингишини олдини олади. Акс ҳолда дафтарнинг ўрсатидан очилишга имкон бўлмас эди. Дастурли бошқариш тизими самонаклад ишини кузатиб боради ва бу ахборотни мониторга узатади. Юритма тизими керак бўлган ҳолда ускuna юритмасидан самонакладни ўчириб қўйиш имконини беради. Масалан, унинг бирорта ижрочи қурилмаси ишдан чиққанда бутун ускuna ишлагандаги қувватни сарфламай самонакладдаги носозликни бартараф этиш мумкин.

Табиийки, самонакладнинг ишончли ишлаши учун уни ҳар бир янги адад дафтарлари кўрсаткичлари: ўлчами, қалинлиги, саҳифалар сони ва қоғоз нави бўйича созлаш керак. Юкловчи дўкон (расм 6, 1) ўлчам бўйича созланади. Дўконнинг тагида дафтарлар тахлами иккита планка орасида - ўнг томондан ҳаракатсиз ва дафтар корешоги узунлигига боғлиқ ҳолда дўкон кенглигига нисбатан қўзғаладиган ҳаракатли планкалар орасида жойлашади. Юк тахлам оғирлигини муvrфиқлаш мақсадида ишлатилади. Дафтар корешогини қисқичлар

ушлаб олиши учун букиб берадиган чайқалувчан сўрғичларнинг керакли миқдори дафтар корешоги бўйлаб жойлаштирилади. Тахлам устида чўткалар шундай ўрнатиладики, қисқичларнинг дафтарни ушлаб олиш вақтида у зарба таъсири остида юқорига сакраб кетилсин.

Ҳар бир айланувчи сўрғич сўришнинг керакли вақтига боғлиқ ҳолда роликнинг айланасига (сиртига) нисбатан созланади. Бундан ташқари, варақни пастга букиш имкони ҳам мавжуд, баъзи буқлаш турларида шундай қилишга тўғри келади. Варақловчи тизимларда «Вентури пуркагичлари» дан фойдаланиш мумкин. Дафтарлар юпқа қофоздан буқлаб тайёрланганда асосий сўрғичларнинг вакуумли дафтар қалинлигига ортиқча таъсир қилаётган асосан шундай сўрғичлардан фойдаланилади.

Кинематик давр доирасида дафтар энига боғлиқ ҳолда занжирили транспортёрнинг клапанлари корешокни ушлаб олиш вақти созланади. Масалан, қачик ўлчамдан катта ўлчамга ўтганда клапанларнинг ишчи ҳолатда жойлашиш даврини, шунингдек, уларнинг ишлаш даврийлигини ошириш керак.

Самонакладни созлаш кўрсаткичлари ҳақидаги барча маълумотлар «бошқариш консоли» га узатилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Последнее оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.

## **5-Мавзу. Компьютер - босма қолип (СтП) технологияси ускуналари ва назорат воситалари**

### **Режа:**

1. Компьютер - босма қолип (СтП) технологияси түғрисида умумий маълумотлар
2. Яриммаҳсулотлар сифатини текширувчи ускуналар

### **Компьютер - босма қолип (СтП) технологияси түғрисида умумий маълумотлар**

СтП технологияси тасвир у ёки бу усулда қолип пластинаси юзасида бевосита компьютердан олинадиган ракамли маълумотлар асосида ҳосил қилинадиган босма қолип тайёрлаш усулидир. Бунда фотоқолип, репродуксияланадиган аслнусха-макет ва монтажлар каби оралик яриммаҳсулотлар ишлатилмайди. СтП технологиясида тасвир ёзиш жараёни бир нурли ёки кўп нурли сканерлаш орқали амалга оширилади. Бу технология қўлланилиши туфайли нуқталарнинг аниқлиги юқори, растр ўлчамларининг ўзгариши кам ва босма қолип тайёрлаш жараёнига кам вақт сарфланиши билан бир қаторда босма ускунасидаги тайёрлов ишлари ҳам тезроқ бажрилади.

СтП нинг замонавий тизимларида офсет, фотополимер қолиплар тайёрлашда лазерли рекордерларнинг уч асосий тури қўлланилади:

- 1) ташқи барабанли, бунда қолип пластинаси айланувчи силиндрнинг ташқи юзасида жойлашади;
- 2) ички барабанли, бунда қолип пластинаси ҳаракатсиз силиндрнинг ички юзасида жойлашади;
- 3) планшетли, бунда қолип пластинаси горизотал текисликда ҳаракатсиз ёки тасвирни ёзиш йўналишига перпендикуляр равишда ҳаракатланадиган бўлиб жойлашади.


Бугунги кунда СтП технологиясида офсет (негатив) ва фотополимер қолипларни тайёрловчи лазерли рекордерлардан ташқари УБ нурланишли рекордерлар ҳам ишлатилади. Бу рекордерлар СтП технологияси учун яратилган маҳсус пластиналарни емас, балки анъанавий ёруғликка сезгир пластиналарни експонирлашга мўлжалланган.

УБ нурланишли рекордерларда қолип пластинаси тўлқин узунлиги 360 дан 450 нм гача бўлган ултрабинафша диапазонда ёруғлик нурлантирувчи қувватли лампа ёрдамида експонирланади. Рекордерлар текис юзада експонирлашга мўлжалланган. Пластина вакуум столда жойлашади ҳамда ёзувчи бошча текисликда иккита координата бўйича илгарилама-қайтма ҳаракат қиласи.

Рекордернинг асоси оптик-механик тизим бўлиб, у тузилишга боғлиқ ҳолда бир ёки бир неча лазер, модулятор, телескоп, фокусловчи линза, айлантирувчи кўзгулар, айланувчи кўзгусимон дефлектор, қолип пластинасини маҳкамлаш ва ҳаракатлантириш механизми, оптик ёки термик бошчани ҳаракатлантириш механизмидан ташкил топади.


Расм 6.1 да ташқи барабанли рекордернинг лазерли сканерлаш қурилмаси келтирилган. Курилма қуйидагича ишлайди. Станина 14 га ўрнатилган барабан

15 га қолип пластинаси 16 маҳкамланади. Барабан юритма механизми 13 орқали доимий ток електродвигатели 12 ёрдамида айланади. Барабан 15 билан бир валда бурчак кўчишларини рақамли кодга айлантириб берувчи оптоэлектрон ўзгартиргич 11 жойлашган. Станинада барабан ясовчиси бўйлаб винт 9 ўрнатилган ва унинг валига қадамли електродвигател 10 уланган. Қадамли електродвигател 10 ишлаганда винт 9 айланади ва бунинг ҳисобига фокусловчи линза 6 ва кўзгу 3 дан ташкил топган ёзувчи бошчали каретка 7 барабан ясовчиси бўйлаб ҳаракатланади. Ёруғлик манбай сифатида ЯГ лазеридан фойдаланилади. Унинг тўлқин узунлиги 1,064 нм ва спектрнинг ИК диапазонида ишлайди ҳамда у совутиш тизими 8 билан жиҳозланган. Лазер нури акустооптик модулятор 2 ёрдамида модулланади ва кейин кўзгу 3, диафрагма 4, телескоп 5 тизими орқали линза 6 га келиб тушади. Линза нурни айланувчи барабан 15 га маҳкамланган пластина юзасига кичик ўлчамли доғ кўринишида фокуслайди. Қатор бўйича ёйиш барабаннинг айланнишида амалга ошади. Кадр бўйича ёйиш еса винт 9 айланганда (қадамли електродвигател ёрдамида) ёзиш бошчаси кареткаси 7 нинг ҳаракатланиши ҳисобига амалга ошади.



Расм 6.1 Ташқи барабанли рекордернинг лазерли сканерлаш қурилмаси

Босма нашрлари катта ададларда ишлаб чиқариладиган йирик босмахоналарда Платесеттер 3244 каби юқори талабларга жавоб берадиган рекордерлар қўлланилади. Бу рекордер 432x559 ва 813x1118 мм ўлчамли пластиналарда тасвир ҳосил қила олади.



Расм 6.2 Платесеттер 3244 рекордернинг тузилиши


Расм 6.2 да ушбу рекордернинг тузилиши келтирилган. Рекордер ёзиладиган тасвир ҳақидағи маълумотларни Аллегро РИП 1 дан олади. Бунда пластиналарнинг рекордерда аник жойлашиши экран 3 да намоён бўлади. Қолип пластиналари транспорт контейнери 2 га юкланди. Рекордер ўзига турли ўлчам ва турдаги 600 та қолип пластинасига ега олтита кассета4 ни жойлаштириши мумкин. Термобошча 5 ташқи барабан 11 га маҳкамланган пластиинани экспонирлайди. Иккитали ушлагич 6 лар 30 с ичида барабанни юклайди ва бўшатади. Иккита уланган автоматик процессорлар 10 конвейердан пластина келганида бир вақтнинг ўзида ишлаши мумкин. Процессорга уланган чиқариш қурилмаси 9 қолип пластиналарини қабул қилиш бўлими 8 га ўтказишни таъминлайди.

## **Яриммаҳсулотлар сифатини текширувчи ускуналар**

Нашрларни босмага тайёрлаш тизимларида фотоқолиплар сифатини назорат қилиш учун ўтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар, босма қолиплари сифатини назорат қилиш учун қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар, рангли тасвиirlарнинг сифатини назорат қилиш учун еса қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар ёки спектрофотометрлардан фойдаланилади.

Шаффофф материаллар билан ишлаганда оптик зичлик қийматини ўлчаш деганда материал ўтказиш коефисиенти акс катталигининг ўнли логарифмiga тенг бўлган интеграл қиймат тушунилади  $D=lg1/t$  (ўтказиш коефисиенти маълум қалинликдаги у ёки бу шаффофф жисмдан ўтувчи енергиянинг нисбий улушкини ифодалайди.

Бугунги кунда офсет босма жараёнлари учун фотоматериал плашласининг оптик зичлиги 3,3 дан 3,8D гача бўлиши меъёрий ҳисобланади.




Расм 1 Ўтувчи ёруғликда ишловчи денситометр схемаси

Ўтувчи ёруғликда ишловчи денситометрларда ўлчаш қуйидагича амалга оширилади (расм 1). Манбадан, одатда чўғланма лампа 2 дан келаётган ёруғлик дефлектор 1 дан қайтади, кўзгу 3 да айланиб, иссиқликнинг бир қисмини ушлаб қолувчи иссиқлик филтри 4 ва маълум диаметрли диафрагмадан ўтиб, денситометрнинг предмет столи 5 да жойлашган фотоплёнка 7 нинг назорат қилинадиган майдонига тушади. Шундан сўнг кучсизланган ёруғлик оқими ёруғлик ўтказувчи 8 бўйлаб инфрақизил 9 ёки ранг филтрлари 10 дан бири орқали ўтиб фотоқабулқилгич 11 га тушади.

Фотоматериалдан ўтган ёруғлик миқдоридан келиб чиққан ҳолда фотоелемент електр импулсини модуллайди. У мантиқий блок ёрдамида оптик зичлик қийматига ҳисоблаб ўтказилади.

Нусхалаш жараёнида баъзи ҳолларда бўёқ зичлигини бевосита нусханинг ўзида назорат қилиш керак бўлади. Бу қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрларда амалга оширилади. Шаффоф материаллар билан ишловчи денситометрлардан фарқли равишда бундай қурилмалар қайтариш коеффициентини ўлчайди ва уни оптик зичлик қийматига ҳисоблаб ўтказади. Намунанинг оптик зичлиги  $D$  ошган ҳолатда ёруғлик қайтиши камаяди, шунга мувофиқ унинг ютиши кўпаяди  $D = \lg 1/p$  ( $p$  - қайтариш коеффициенти).

Қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар ўтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар сингари оптик-механик қисм ва ўлчовчи электрон блокдан ташкил топади. Уларнинг асосий фарқи ёритгич ва ёруғлик қабул қилувчининг жойлашиши, катта миқдордаги ёруғлик филтрларининг ишлатилиши ва ўлчанадиган катталикларни ҳисоблашда бошқа алгоритмларнинг ишлатилишида намоён бўлади. Бундай денситометрларнинг ишлаш принсиби қуидаги. Меъёрланган манбадан келаётган маълум ранг ҳароратига ега ёруғлик ранг филтрларидан ўтади. Улар нусхадаги назорат қилинадиган бўёқ спектрини ажратади. Масалан, қизил филтр - ҳаворангни, яшил - қирмизини, кўк – сариқни.



Расм 2. Қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрнинг тузилиши  
(пастандик кўриниш)

Денситометрик ўлчавлар натижасида рангларга ажратилган оптик зичликлар аниқланиб, денситометрнинг рақамли екранида бўёқларнинг ўлчанганди оптик зичликлари қиймати намоён бўлади

Расм 2 да қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрнинг тузилиши келтирилган (пастандик кўриниш).

1 - денситометр корпуси; 2 - ўлчов бошчасини жойлаштириш нуқтаси; 3 - ўлчов бошчаси; 4 - қизил, яшил, кўк ва нейтрал-кулранг филтрли ғилдирак; 5 – филтрлар; 6 - юритмали ғилдирак

Рангни объектив миқдорий тавсифлаш учун кўришнинг уч рангли назариясига асосланган ҳамда рангни аддитив синтез йўли билан қурилмаларда ўлчаш имконини берадиган услублардан фойдаланилади. Барча ранг ўлчовлари асосида ранг координаталарини аниқлаш имконияти ётади. Рангни назорат қилишни таъминловчи қурилма спектрофотометрdir. Унинг асосий вазифаси

ўлчанаётган объектнинг ранг координаталарини ҳисоблаш ва спектрал егри чизигини қуришдир.

Спекtroфотометрик ўлчовларнинг инсон кўзи билан ўлчашдан фарқи шуки, қурилманинг кўрсатмаларига инсон кўзининг индивидуал хусусиятлари каби бегона омиллар таъсири ўтказмайди ҳамда ўлчовларнинг барча шароитлари стандартлаштирилган.


Инсон кўзи рангнинг ўзгаришини ранг чегараси бузилгандагина фарқлай олади. Замонавий спекtroфотометрларда қўлланадиган технологиялар ушбу омилни ҳисобга олиш ҳамда ранглар фарқи кўрсаткичи  $\Delta E$  деб аталадиган рангнинг аслнусхадан фарқланиш катталигини аниқлаш имконига ега.

$$\Delta = \sqrt{(L - L')^2 + (a - a')^2 + (b - b')^2}$$


Бу ўлчовлар босманинг технологик режимларига тезкор равишда керакли ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

3 расмда спекtroфотометрнинг блок схемаси, 4 расмда esa ўқувчи бошчанинг схемаси келтирилган. Келтирилган схема бўйича колориметрик ўлчовлар қуидагича амалга оширилади. Ёруғлик манбай 2 дан (маълум стандартга мувофиқ танланган ранг ҳароратига ега лампа) чиқадиган ёруғлик нури ингичка параллел нурлар оқимини ҳосил қиласидиган коллиматор 3 дан ўтади. Сўнг маълум диаметрли апертура 4 дан ўтиб нусха 5 га тушади. Ундан қайтиб ёруғлик толали-оптик ёруғлик ўтказувчилар 6, 7, 8 дан ўтиб, ёруғлик филтрлари тўпламига келиб тушади. Намунадан ахборотни ўқиш бир вақтнинг ўзида фақат икки канал бўйича амалга ошади. Бунга двигателлар 11 ва 12 ёрдамида ҳаракатга келадиган махсус механизмлар 9 ва 10 хизмат қиласиди.

Ёруғлик ўтказувчилардан ўтиб ёруғлик нури маълум ўтказиш йўлкасига ега филтрлар мажмуига келиб тушади. Филтрлардан ўтиб ёруғлик фотоелектрон кўпайтирувчидан келиб тушади. У сигнални кучайтиради ва уни аналогли-рақамли қайта ўзгартиргичга йўллайди. Ўз навбатида у аналогли сигнални қурилманинг марказий процессорида қайта ишлаш учун рақамли кўринишга ўтказади. Ахборот қайта ишлангандан сўнг маълумотлар дисплейда намоён бўлади ва принтерда нусхаланиши ёки компьютерга киритилиши мумкин.



Расм 3. Спекtroфотометрнинг блок схемаси



Расм 4. Спектрофотометр ўқувчи бошчасининг схемаси

#### **Назорат саволлари:**

1. Рекордерлар классификатсияси қандай?
2. Рекордерлар қандай тузилган?
3. Денситометрлар қандай тузилган?
4. Ўтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар қандай принципда ишлайди?
5. Қайтувчи ёруғликда ишловчи денситометрлар қандай тузилишга эга?

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Т., Дилор сервис, 2007.
2. В.И.Бобров. Брошюровочно-переплетноэ оборудование. Москва, 2000й.
3. Ю.И.Хведчин. Послепечатноэ оборудование. М. "Книга" 2000й.
4. Пергамент Д.А. Брошюровочно-переплетноэ оборудование М.Книга, 1990.
5. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари фанидан лаборатория ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланма. Тошкент, ТТЕСИ, 2006.

## Глоссарий

- 1. Белги варағи-** китобни бириичи варағи бўлиб, унда нашр муаллифи, номи, нашриёт ҳамда чоп этилган йил кўрсатилади
- 2. Берк корешок-** муқова корешогини тахlam корешогига елимланган тури
- 3. Бет** - матбаа маҳсулотларидағи қоғоз ва рақларини бир томони
- 4. Бичиш-** қоғоз, картон, муқова ва шунга ўхшаш маҳсулотларни керакли ўлчамларга қирқиши
- 5. РИП интерфейс-** асосий контроллер, хотира ва бошқариш блокларидан иборат ускуна .
- 6. Лазерли сканерлаш** - модульятор, телескоп, дефлектор, объектив, сканерлаш жараёнини синхронлаштириш системаси ва лазер нурини корекциялаш.
- 7. Сканерлаш қурилмаси** - акустооптик ва оптик-механик дефлекторлар қўзғаладиган ёки айланадиган ойналар
- 8. Нейтрал светофильтрлар** – бу яримшаффоф оптик система тушаётган нурни тўлик ютиб юборади.